



Adabiyot, madaniyat yashasa — millat yashaydi

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan

ADABIY-BADIIY, MA'NAVIY-MA'RIFIY, IJTIMOY GAZETA

2022-yil 19-avgust / № 28 (4687)

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭЛ АЗИЗ, ИНСОН АЗИЗ



РЕСПУБЛИКА ЁШ ИЖОДКОРЛАРИНИНГ АНЪАНАВИЙ СЕМИНАРИ

Айни вақтда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг “Дўрмон” ижод уйида бўлиб ўтаётган Республика Ёш ижодкорлар семинари авж палласига кирди. Биз назм, наср, бадий публицистика, бадий таржима, болалар адабиёти, адабиётшунослик, драматургия ва рус адабиёти йўналишлари бўйича шўбаларга бўлиниб машғул олиб бораётган устозларнинг илк таассуротлари билан қизиқдик.

ИСТЕЪДОДЛАР ТОБЛАНМОҚДА

Одил ИКРОМ,
шоир ва таржимон:

— Ўзга тилдаги асар қаҳрамони худди ўз фарзандингдай бетаъма севиб, она тилингда гапиртириш катта маҳорат, сўзга талабчанликдан ташқари, мардонанов ҳалолликни ҳам талаб қилади. Назм, наср, публицистикадан таржиманинг асосий фарқи шундаки, ёзувчи, шоир ё публицист мустақил асар яратса, таржимон мажбур асарни ўз тилида қайта яратади. Ижодий меҳнатнинг бу тури ҳар қанча машаққатли ва залворли бўлмасин, таржимонга мустақил асар муаллифи деб қаралмайди. Шунга қарамай, таржима соҳасини танлаш, унга ружу қўйиш чинакам фидойилик, чинакам толерантлик, деб биламан. Шу маънода бугунги Республика ёш ижодкорлар семинарининг бадий таржима йўналишида иштирок этаётган ёшларнинг интилишини алоҳида қадрлайман.

Илк кузатувларимга келсак, фарғоналик Мақсоджон Олимовнинг рус тилидан қилган таржималарини аслига қийслаб кўрдим: у воқеликни яхши идрок қилади, тил икониятларидан унумли фойдаланади. Матн силлиқ ва раvon ўқилади. Зебуннисо Исматова (Жиззах) ҳамда Марҳабо Бойматова (Тошкент шаҳри) корейс тилидан таржима қилади. Бераётган саволлари ва тош босадиган фикрларига қараб, кўнглим сезилти, қаршимда анча жиддий, маданиятли ва савияли ёшлар турибди. Моҳинур Сотволдиева (Андижон) ва Шохрух Усмонов (Қашқадарё) инглиз тилидан ўзбек тилига ўгирган таржималари билан қатнашмоқда. Бу ёшлар орасида Шохрух Усмонов

аллақачон китоблар чиқаришга улгурганлиги билан ажралиб туради.

Тўғри, камчиликлар ҳам йўқ эмас. Европа маданияти, тараққиёт унсурлари-ю ноодатий ҳолатларни таржима қилишга ҳали уларда тажриба кам. Айрим жиҳатлар, хусусан, мураккаб психологик талқин ва таҳлилларни таржима қилишга қийналаётганликларини иштирокчиларнинг ўзлари ҳам эътироф этмоқда. Муҳими, улар қутилимаган саволлар билан мурожат қилиб, Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Ғафуровдек етук устозлардан маслаҳатлар олишмоқда. Қисқаси, бу ёшларнинг келажагига умид билан қараш мумкин.

Хосият РУСТАМОВА,
шоира:

— Ижодкор учун адабий давралар — ўзингни имтиҳон қилиш имконини беради. Шундай давраларда сенинг қимлигинг билиниб қолади. Ўзингни тутишигдан тортиб, истеъдодингча яққол кўзга ташланади. Айниқса, ўқимаган китобларинг “сотиб” қўяди. Ўқиган китобларинг сени ҳимоя қилади. Кечаги даврада мен айрим ижодкор ёшларнинг сўзга талаб қилинадиган даражада яқин эмаслигини, тортинчоқлигини ҳис қилдим.

Китоба бўлган муносабатнинг сусти-гидан ўқиндим. Бу бегоналик китоб ўқимаслик, “китобсизлик” туфайли. Бу ҳолни адабий нуқсон, деб қараш мумкин. Чунки китоб ўқимаслик ижодкорда сўз билан яшаш имкониятини камайтиради ва сўздан узоклаштиради.

Сўзининг таъмини билмаганимиз, рангини, ҳароратини ҳис қила олмаганимиз учун ҳам кўнглимиздагини кўнглимизда-

гидек ёзолмаямиз... Ўзимиз ҳайратлана олмаганимиз учун дунёни ҳайратлантира олмаямиз. Айтганларим кўпроқ ўзимга ҳам тегишли. Ва шу билан бир қаторда, мен ёшлардан кўп нарсга кутаман ва умид қиламан. Бундай тадбирлардан кейин яна

интиломқдалар. Шеър қолипни синдириб, баъзан қофиясиз, саж ёзмокдалар. Машқлари жимжимдорлик, мадҳиябозлик ва тафталогиядан холи.

Фахриёрдек таъби нозик, баланд дидли устозлару етук адабиётшунослар ҳам бугунги семинар иштирокчиларининг ижодий муваффақиятларини эътироф этаётганидан, қолаверса, болалар адабиёти, адабиётшунослик, бадий таржима йўна-



бир бор ўзимизни имтиҳон қилайлик. Шу пайтгача нималар қилдик ва бундан кейин нималар қилишимиз зарурлиги ҳақида ўйлаб кўрайлик.

Сирожиiddин РАУФ,
шоир ва таржимон:

— Зомин семинари аънаваный, Дўрмонда бўлиб ўтаётган бугунги Республика ёш ижодкорлар семинари эса қадимийлиги билан аҳамиятли. Чунки бу ерда Зулфия-хоним, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Абдулла Ориповдек атоқли ёзувчи, шоирлар ижод қилган. Ўзига хос ижодий муҳитга эга.

Иштирокчилар шўба машғулотларида ўз ижодларидан намуналар ўқиб, ютуқ ва камчиликларини таҳлил қилмоқдалар. Ўзаро фикр алмашиб, бир-бирларининг шеърларини муҳокама этишаётир. Биз, аввало, уларнинг эркин фикрлашларига шариоит яратиб, кейин фикрларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритяпмиз. Кўряпмизки, улар янги қофия, шакл ва услуб топишга



лишларида қатнашаётган иштирокчилар сафи ва хорижий тиллар географияси кенгайганидан ҳам йилдан-йилга ўсиш кузатилаётганини кўриш мумкин.

Бир сўз билан айтганда, бу йилги Республика ёш ижодкорлар семинари нафақат ёшларга, балки биз устозларга ҳам кўп нарсалар бермоқда. Икки, уч авлод вакилларининг адабий мулоқотлари самараси ўлароқ бугунги ёшлар орасидан келажақда таниқли ижодкорлар этишиб чиқишига ишонаман.

Шухрат АЗИЗОВ ёзиб олди.



БИР-БИРИДАН ҚЎР ОЛГАН ДИЛЛАР

Республика ёш ижодкорларининг навбатдаги семинари иштирокчилари 17 август кунини эрталаб устоз ёзувчи-шоирлар, публицистлар, драматурглар ҳамроҳлигида Адиллар хиёбонида ташриф буюриб, Мир Алишер Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйишди. Ҳамид Олимжон ҳайкали қошида давом этган адабий йиғинда семинар иштирокчиларига уларнинг ўз ижод намуналари жамланган “Энг гуллаган ёшлик чоғимда” баёзи улашилди. Ўзбекистон Қаҳрамони, адиб ва таржимон Иброҳим Ғафуров, Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Кенесбой Каримов, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Ҳаётхон Ортиқбоева ўз дил сўзларини изҳор қилар экан, бугунги адабий жараён ҳамда адабиёт соҳасига кўрсатилган юксак эътибор ва ғамхўрлик ҳамда ёшлиқдай бебаҳо неъматнинг кадр-қиммати ҳақида тўхталиб ўтишди. Таниқли хонанда Шухрат Дарё ижросидаги “Энг гуллаган ёшлик чоғимда” қўшиғига ҳамма жўр бўлди. Ташкил этилган китоб ярмаркаси иштирокчиларда чуқур таассурот қолдирди.

— Адабиётимизга янги овозлар, янги истеъдодлар кириб келмоқда, — деди Иброҳим Ғофуров “Дўрмон” ижод уйида бўлиб тантанали ўтган очилиш маросимида. — Ҳозир бу гўшада устозларимизнинг руҳи кезиб юрибди. Бугунги ёшлар улардан ибрат олишига ишончим комил.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси масъул ходими Ғофур Шермуҳаммад, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, адиб Хуршид Дўстмуҳаммад ва бошқалар Республика ёш ижодкорлар семинари адабиёт майдонида эндигина кириб келаётган ёшлар учун алоҳида маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлашди. Адабиётга эътибор ва истеъдодли ёшлар тизимли равишда қўлаб-қувватланаётгани сабабли, адабий жараён янада фаоллашгани эътироф этилди. Айниқса, “Жаҳон адабиёти” журнали бош муҳаррири, публицист Аҳмаджон Мелибоев, олимлар ва адиблар Сувон Мели, Маҳмуд Тоир, Нурбой Жаббор, Салим Ашур, Сирожиiddин Рауф, Хосият Рустамова сингари таниқли ижодкорларнинг қимматли маслаҳатлари ва сиёҳи қурмаган шеърлари ёш қаламкашларни янада илҳомлантирди.



ЮРАККА СОЗЛАНГАН СЎЗЛАР СИНОАТЛАРИ



Мамлакатимизда бадий сўзга, бадий сўзининг тирикчилигига тир-гак тутмоқни умрининг мазмунига бадал деб билган ижодкорларга эҳтиром юртимиз раҳбарининг мунтазам эътибори билан давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Президентимизнинг “Оташин шоир, таржимон ва драматург Усмон Носир таваллу-дининг 110 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарорида “... ўзининг бетакор истеъдоди, юксак матонати ва халқпарварлиги билан ўзбек адабиётида ўчмас из қолдирган, мустабид тузум дав-рида сиёсий қатагон қурбони бўлган оташин шоир, таржимон ва драматург Усмон Носир халқимизнинг машҳур фарзандларидан бири” эканлиги алоҳида қайд этилган.

Қалбда адоқсиз оғрик ва туганмас ифтихор билан айтиш жо-изки, чиндан ҳам, Усмон Носир ўзининг бениҳоя қисқа умрида тамоман беназир сўз обидаларини яратишга улгурган ёки шунга интилган улкан истеъдод соҳибидир. Бу борада дақиқ сўз синчи-си, адабиётимизнинг асло “митти” эмас, балки муаззам ва мангу мухташам чакноқ юлдузи Абдулла Ориповнинг қуйидаги орифона таъбири ва таърифидан орттириб айтиш мушкул: “Усмон Носир де-ганд биз кимни тушунамиз. У шундай истеъдод эгасики, бамисоли теккан жойини куйдиргувчи оловдир... Шоирнинг ғоят қисқа умрига назар солган киши жуда узоқ ўйларга топиши шубҳасиздир. Чунки бу чакмоқдек умрда бениҳоя катта имкониятлар ёниб кетганлигини кўриб ва ҳис қилиб турасиз. Усмон Носир улуг ва абадий шеър-ятнинг дийдасидан оқиб улгурмаган шабнамдир, у ҳали қаҳқаҳага айланмай лабларимизда мангуга қотиб қолган ним табассумдир. Унинг шеърлари қўз каби тирик, жонли, тутқич бермас ҳаёт пораларидир.”



Мақтабда ўқиб юрган пайтларим кутубхонамиздан “Биринчи китобим” лойиҳасида чоп этилган китобчаларни ҳавас билан мутлоаа қилардим: “Қани эди, Тошкентларга борсам, ёш ижодкор-лар семинарида қатнашсам, менинг ҳам биринчи китобим чоп қилиниб, уни мак-табимдаги ўқувчилар ҳавас билан олиб ўқишса”, дея орзулар қилардим:

Олам-олам орзуларимни
Сигдир дунё тилакларимга.
Умид билан дунёга келдим,
Қолмоқ учун юракларингда.

ОРЗУЛАР ДЕБОЧАСИ

Бу иштиёқ кун сайин, йил сайин кучайиб борди. Ниҳоят, ният қилга-нимдек, Тошкентга келиб олий ўқув юртига кирдим, ҳар доим ойиан жаҳонда кўрсатиладиган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига ҳам бордим. “Хиёбон оқшомлари”да иштирок этиб, “Биринчи китобим” туркумида шеър-лари нашр қилинган ёш қаламкашлар билан танишдим. Бу йил Республика Ёш ижодкорлар семинарининг вилоят босқичида Хоразм ва Қорақалпоғистон ёшлари сафида қатнашиб, Республика босқичига йўлланмани қўлга киритдим. Вилоят босқичи Хоразм вилоятининг ғўзал ва навқирон Хива шаҳрида бўлиб ўтди. Ёзган машқларимизни баҳолаш учун Тошкент шаҳридан катта шоир, ёзувчилар ташриф буюришди. Сара-лаш жараёнлари устоз-шогирд аънана-си асосида олиб борилди. Устоз Сувон

Мели мен ёзган публицистик мақолалар ҳақида ўз фикрини билдирар экан, ҳарбий соҳани ёритишга янгича назар билан қарасам, бир кун келиб адабиётда ўз сўзига эга журналист бўлишимга ишонч билдир-ди.

Ёш ижодкорлар семинарида қат-нашиш — орзуларимга дебоча бўлса, устозлар ишончи — катта куч-ғайрат беради.

Ҳар йили янги қалдирғочларни кашф этадиган бу семинарда турли ҳудудларда

яшаб ижод қилаётган ёш иқтидор эга-лари аниқланиб, улар қўлаб-қувватла-нади. Устоз ёзувчи-шоирлар тавсияси асосида энг сара қўлёзмалар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг “Биринчи кито-бим” лойиҳаси бўйича беш минг нусадада чоп қилиниб, барча таълим муассасала-рига етказиб берилди.

Аънанга бироз ўзгартиришлар кири-тилган ҳолда бу йил “Зомин семинари”-нинг 25-йиллик юбилейи 17 — 19-август кунлари “Дўрмон” ижод уйида бўлиб ўтди. Мен бу кунларни йиллаб кутган эдим. Семинарда фаол қатнашиб, устозлардан маслаҳатлар олдим, янги дўстлар ортти-б, уларнинг ижодини ўрганишга бел боғла-дим. Мен учун бу семинар — адабиёт, сўз, ижод ва орзулар байрами бўлди.

Сабоҳат САИДРИЗО,
семинар иштирокчиси

ИЗХОР

ИЖОДИМИЗГА МАЁҚ БЎЛАДИ

Яқинда бир танишим: “Нега бугунги кунда одамлар бир-бирини очик танқид қиладиган бўлиб кетди? Душмани кўпайиб кетишидан қўрқмайдим?”, деди. Ушбу суҳбат тошбақа ҳақидаги ривоятни ёдимга солди. Ҳайвонлар бахслашиб қолибди: йиртқичлар ҳамласидан кимнинг ҳимояси кучлироқ? Кимнинг зирҳи мустаҳкам? Хуллас, тошбақанинг косаси энг пишқ бўлиб чиқибди, чунки у қўрқувдан бинго бўлган экан-да. Ўз мақсадига эришишда фуқа-роларнинг қўрқув ҳиссига суянган давлат ко-сасидан бош чиқармайдиган тошбақаларни етиштиради.

Эсласангиз, атоқли рус адиби Михаил Булга-ковнинг “Уста ва Маргарита” романи персонажа-лари иблис тажовузидан жон сақлаш учун терговчи-дан ўзларини зирҳи камерага қамашни сўрайди. Чунки уларда инсоний эркинликка ташналик ҳис-си ўрнини ҳайвоний жон сақлаш инстинкти эгал-лаган. Бундай вужудга қафасдан кўра ишончли-роқ макон борми?

Ғалпи эркинлик ҳақидаги мулоҳазалар би-лан бошлаганим бежиз эмас. Инчунин, бугун мамлакатимизда сўз эркинлиги доиралари кенгайган, фикр билдириш бобидаги дидимиз ҳам камол топиб бормоқда. Бошқача айтган-да, сўзимиз ерда, ёзганимиз қоғозда қолади-ган давр эмас. Адабиётимизда ҳам эркин сўз айтилмоқдаки, бадийий-эстетик ва фалсафий қимматига кўра долзарб асарлар яратилмоқда. Болалиқдан “Маърифат”, “Гулхан”, “Бошлангич таълим” нашрларини ўқиб улғайганман. Ота-о-нам бугун ҳам бир неча газета-журналларга обуна бўлади. Ушбу маънавий озуқалар сабаб

адабиётга меҳр қўйдим, уни яхши кўришни, ундан баҳра олишни, муҳими, у билан яшашни ўргандим. Адабиёт ҳаётимнинг мазмунига ай-ланди. Турмуш тарзимизда мисли қўрилмаган ўзгаришлар содир бўлди: мурватли телевизор ўрнига юпқа экранли, узоқдан бошқарилувчи телевизорлар, ҳайратланарли телефонлар пай-до бўлди, интернетнинг инсониятга тақдим қи-лаётган беқиёс имкониятлари ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Лекин адабиёт ва санъат ҳар вақт “тош юраклар”ни юмшатувчи, эгрини тўғри йўл-га бошловчи, азиз ва мукаррам Одам зурриёди ичига жойлашиб олган “хоинни ўлдириш”, маъ-навий жараҳатларни даволаш бобида беназир восита бўлиб қолаверади.

Ҳар йили аънаваный тарзда Ўзбекистон Ёзув-чилар уюшмаси ташаббуси билан ўтказиладиган “Зомин семинари”нинг минтақавий босқичида бир қанча истеъдодли дўстларимиз билан суҳ-батлашиб, ижод маҳсули билан танишиб, адаби-ётнинг атомда кучли эканига яна бир бор амин бўлдим.

Хуллас, ҳар бир ижодкорнинг орзуси бўлган “Зомин семинари”нинг республика босқичида қатнашимини эшитиб, ич-ичимдан хурсанд бўлдим. Чунки мени бундай қайноқ давра, устоз-ларнинг олтинга тенг маҳорат дарслари хаяжонга солади. Ушбу ташаббуснинг олис тарихи, ажойиб файзи бор. Бу тадбирдан кутганларим, оладиган-ларим жуда кўп. Ишонаманки, барчаси ижоди-мизга маёқ бўлиб хизмат қилажак!

Муроджон РАҲМАТОВ,
семинар иштирокчиси

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Ҳар бир бадийий сўз рост ва расо бўлмоғи учун энг аввало, юракка дахлдор, юрак қатламларидаги долғалар ва сукунатларга қатъий уйғун, юрак тубидаги теб-бранмаларга мутаносиб ва мувофиқ бўлмоғи лозим. Бу жиҳатдан ҳам Усмон Носир шеърияти алоҳида диққатга молик, унинг аксар асарларида лисоний поэтик комиллик, хусусан, сўзининг, тилининг ростлиги ва расолиғи деярли ҳар бир мисрада ҳеч бир иддаосиз манаман деб туради. Шоирнинг бутун ижодиди энг етакчи ва ўзак образлардан бири юрак рамзидир, унинг суянгани ҳам, сиғингани ҳам, қувончоши ҳам, қайғудоши ҳам, кўйингки, жону жаҳони юракдир. Унинг 2021 йилда “Адабиёт” нашриётида чоп этилган “Эртани севиниб кут” номли 113 саҳифалик мўъжазгина шеърий тўпламида 104 марта *юрак, кўнгил, дил, бағир* каби маънодош сўзлар қўлланган. Бу сўзлар шоир манзумаларининг фавкуллода ўзига хос устунлари десак, муболага бўлмас. Шу фикрга мутаносиб тарзда яна шуни ҳам айтиш жоизки, оташин шoir шеърятининг лисоний заминида юракка созланган синоатли сўзлар ётади, шундай сўзлардаги оҳанг ва мазмун етакчилик қилади.

Усмон Носирнинг “Юрак” номли шеъри бор, шеър бошдан-оёқ юракка хитобан ёзилган:

Юрак, сенсан менинг созим,
Тилимни найга жүр этдинг.
Кўзимга ойни беркитдинг,
Юрак, сенсан ишқибозим.

Шоир дунёдаги ҳеч бир нарсага бефарқ ва лоқайд бўлмаган, аксинча, ҳар бир нарсага туганмас эътибор ва адоқсиз меҳр-муҳаббат билан қараган “ишқибоз”, “тилини найга жүр этган”, “кўзига ойни беркитган” юрагини эркалайди, буни инжа оҳангларда ва беназир бир тарзда ифодалайди. Шеър давомида шоир юрак қатларида галаён қилган “қирғоқсиз” севинчу андуҳларни тугал тасвирлаш, “тоҳи юракни таржима қилмоқдан тили чарчаш”ни айтар экан, бир қадар хижолатли оҳанглар эшитилгандек бўлади. Чеку чегарасиз ҳузур ва мамнуниятни, интиқ истак ва тилакни опичлаган эр-калаш ва эркаланиш оҳанглари ушбу мисраларда ба-ралла янграйди:

Сен, зй сен – ўйноқи дилбар,
Зафардан изла ёрингин.
Тўлиб қайна, тошиб ўйна,
Тирикман, қуйла борингни!

Шеър нихосида мазкур эрка оҳанг бирдан қатъий амр, букилмас буйруқ оҳанги билан алмашади, юракиннг мавжудлиғи, демакки, инсоннинг тириклиғи Ва-таннинг розилиғи учундир деган залворли ва мутлақ мунтазам, асло эскирмайдиган ақида бутун салобати билан беназир бадийий ифодасини топади:

Итоат э!
Агар сендан
Ватан рози эмас бўлса,
Ёрил, чақмоққа айлан сен,
Ёрил! Майли, тамом ўлсам!

Усмон Носир ўз шеърларида бир пайтнинг ўзида бир сўзининг бир неча маъноларини бадийий ниятига уйғун тарзда ишга сола билади. Масалан, унинг “Яна шеъримга” номли сонетида шундай мисраларни ўқий-миз:

Юрагимнинг дарди – нақшисан,
Қилолмайман сени ҳеч қанда!
Ўт бўлурни ишқи йўқ танда?
Дардимсанки, шеърим яхшисан.

Аввало айтиш жоизки, бир қарашда дард ва нақш, дард ва яхши сўзлари асосий маъноларига қўра бир-бирига зиддир, улар ифодалаган тушунчалар ўзаро сиғишмайдиган, бир-бири билан уйғунликка эга

бўлмаган мазмунга эга. Аммо дард сўзининг бир қанча маънолари мавжуд бўлиб, улар орасида “руҳий азоб, руҳий оғриқ, алам-ҳасрат” ва “кишининг борлиғини, бутун фикри-ёдини банд этган нарса, иш, орзу” деган маънолари ҳам бор. Кўриниб турганидай, шоир дард сўзининг айна шу икки маъносини бирданига ҳаракатга келтирган. Тайинки, шоирнинг фикри-зикрини абадий банд этган нарса, яъни дард — шеър. Шеърда эса ин-соний туйғу, яъни дард муносиб ва мусаллам бадийий шаклларда акс этади. Бу ҳол, табиийки, шоир маҳора-тининг синоатли самарасидир.

Мумтоз адабиётда *ҳажр, ҳижрон* сўзлари бениҳоя фаол қўлланган, асосан, ошиқ ва маъшук орасидаги ай-рилиқни, жудолиқни ифода этган, уларнинг зиди бўл-ган *васл, висол* сўзларининг мазмуний асосини ошиқ ва маъшукнинг бир-бирига эришуви, уларнинг учраши-шидан иборат беҳад интиқ ва аниқ ҳадафли ҳолат таш-кил этади. Усмон Носирнинг “Ширин бўлди ҳаёт икли-ми...” шеърда *ҳажр* сўзи “Чунки келажагим ҳажрида Мен умримни яхши танийман”, “Ким қўйналса, тилак ҳажрида Уни кутар саодат ва бахт” каби мисраларда

ЮРАККА СОЗЛАНГАН СЎЗЛАР СИНОАТЛАРИ

қўлланган. *Келажак ҳажри, тилак ҳажри* бирикмалари бениҳоя янги ва оҳорли бўлиб, у шоирнинг тил сезгиси нечоғлик ўткир ва қамровли эканлигининг шаҳодати-дир, ҳозирга қадар ҳам мазкур бирикмалар янглигини йўқотмаган, бошқа бирор ижодкор матнида айтан маз-кур бирикмаларни мен учратмадим. Шоир билан унинг келажағи ҳамда тилағи ўртасидаги жудолиқнинг айнан *ҳажр* сўзи билан ифодаланиши мазкур айрилиқнинг ўта қабарик таъкидланишига ва шоирнинг асл муро-дини баралла ифодалаши мумкин бўлган “келажакка жадал етмок”, “тилак билан бир он эрта қовушмок” маъноларини елкалаган *васл* сўзининг шеърхон ёдида мантйикан буй кўрсатишига имкон берган. Бошқача айт-ганда, матнда *ҳажр* сўзи тўғридан-тўғри, унинг азал-а-бад зид жуфти бўлган *васл* сўзи эса сиртдан, матнда бевосита иштирок этмасдан бадииятнинг яралишида иштирок этган. Шоир мазкур сўз жуфтлигини доимий истикомат маконидан янги бадиият сатҳига маҳорат ва мантйқ билан олиб ўта билган, натижада *ҳажр* сўзининг (албатта, *васл* сўзининг ҳам!) мазмуний ва поэтик ҳа-жми сезилари даражада тўғйиллашган.

Усмон Носирнинг “Қушча каби...” шеърда *бездозор сезги* тарзидаги мутлақо ўзига хос бирикма мавжуд, бундай бирикмалар тил илмида “гайриодатий бирикма-лар” номи билан юритилади. Шоир руҳни зирқиратади-ган шундай зёвсиз мисралар тузади:

Шу чоғдағи юрагимни тинлангиз ҳой, ҳу...
Акс садоси гўмбурлайди гўё замбарак:
“Сезгиларнинг безбозори – менимча – қайғу,
Менга шодлик ва гулларнинг лаблари керак”.

Ўқсик руҳ ва адоқсиз руҳий оғриқ билан шоир қайғу-ни “сезгиларнинг безбозори” деб атайди. Табиийки, қай-ғу ва андуҳнинг талабгоҳи, ҳаридори ҳеч бир замонда бўлмаган, ҳуши ўзида, ақли жойида бўлган одам бор-ки, бу зилдай оғир ва эзгин сезгидан нари бўлмоқнинг пайдидан бўлган. Шунинг учун ҳам шоир мазкур гайри-одатий бирикма воситаси билан бу сезгининг сурати ва сийратини тасвир этгандай бўлади.

Болалиғи қайғу-ҳасратларга, туртиб-турткилашлар-га гарқ бўлиб ўтган шоир узун хузуу андуҳнинг расми-ни “Нахшон” дostonида мана бундай беҳад таъсирли тасвирларда акс эттирган:

Хуфтон. Қора булут
Яширган ойни,
Булат соясини
Оқизарди сой...
Тентиб шамол каби
Гадодек бажой, сарсонлиқнинг
Сиёҳ йўлига кирдим...
Ҳар офтобнинг
Тўнгич биринчи тиги
Мени, бечорани
Топди беватан.
Ёки қайғу бўйи,
Ёки зор йиғи...
Ўн қўлат макон.
Дард. Алам. Қадар.
Ўзлигимни ўзим билмай,
Тилда “Оҳ...”

Мазкур дostonда шоир қайғуни “Яна кўнгил узра Қайғу ҳароми, Яна кўзларимдан Сел раvon оқди... Бун-ча ўғай бўлди Ҳаёт ороми” тарзида қаттиқ “сўқиб” ҳам кўяди. Аммо пардасиздай туюлган мазкур ҳароми сўзи

ЮРАККА СОЗЛАНГАН СЎЗЛАР СИНОАТЛАРИ

шеърхонни оғринтирмайди, балки қайғудан тамоман тўйиб бўлган, бундай тубсиз ва беор озордан безорлик бозоридида саросар кезмокдан кўнгли хунга тўлган, “ҳаёт оромининг ўғайлиғи” жон-жонидан ўтиб кетган шоирга қайғудошлик шеърхон қалбига ҳамдард садо беради.

Усмон Носир шеъриятида тасвир тиниқлиғи, аниқ-лиғи ва бетакорорлиғи бениҳоя ҳайратли ва шунинг учун ҳузурлидир. Масалан, ёрнинг киприғи адабиётимиз дурдоналарида кўп ва хуб тасвир ва тавсиф қилинган, турли бадийий санъатлар, усуллар ва шакллар ишга солинган, шубҳасизки, улар орасида якто бадийий то-пилдиқлар, бадийий-лисоний расоликлар ва таассуфки, анъана шаклларидағи сийқадан-сийқа тақрорлар ҳам мавжуд. Аммо Усмон Носирнинг “Нахшон” dostonида киприқнинг “Киприғи кўксига соя солган қиз” тарзидаги латифдан-латиф расми ҳам борки, у тамоман бетакрор ва беназирдир, бу расм фақат Усмон Носирнинг бадийий тасаввури, тахайюли ва тафаккурининг маҳсулидир.

Ўзбек тили қурраи заминдағи энг бой тиллардан биридир, унда бир тушунчани бошқасига ўхшатиб ифо-далаш йўли билан ойдин образлар яратиш кенг тарқал-ган, тилимизда анъанавий ўхшатишлар дейиладиган залворли ва беҳад зангин заҳира мавжуд. Маҳоратли ижодкор бу захирадан унумли ва ўринли истифода этади. Усмон Носир асарларини мутлоаа қилганда, ана шундай анъанавий ўхшатишлар билан бир қаторда кўплаб унинг ўзи яратган оҳорли ўхшатишларнинг мут-лақо ўхшашсизлигини, уларнинг Усмон Носирнинг ўт-кир ва нозик ниғоҳи, мўқояса идроксининг фавкуллода топқирлиғи натижаси эканлигини илгамаслик мумкин эмас. Масалан, у “Моноло” шеърда Отелло ва Дезде-мона “шоҳона тож кийган муҳаббат” фожиасини ҳузувн ва ҳасрат билан тасвирлар экан, шундай ўтли мисра-ларни аламли кўз ёшларидай қоғозга тўкади:

...Жим. Уфқдан ботар қуёшни
Шарт кесилган бошга ўхшатдим.
Парча-парча қуйган шафақлар
Тирқираган қонни эслатди.

Уфққа бош қўяётган қуёшни шарт кесилган бошга ўхшатиш, қуйган шафақларни тирқираган қонга менг-заш фожаниннг нақадар муҳиш эканлигининг қабарйқ ифода топишига кўмак берганлигини кўриш мумкин.

Шоирнинг “Армина” туркумидағи “Кўзлар, яхши қо-линг” шеърда шундай мисралар бор:

Кўрасанми, қандай чиройли
Тикилганча боқиб турса у?
Чидолмайман, пишган тут каби
Оёғига тўқилмасдан дув.

Гўзалликдай покиза хилқат сеҳрига тоқат қилол-маслик, унинг қудратига бардош бера олмаслик, ҳайра-ту ҳайроналик ҳолати, ўзни йўқотар даражадағи руҳий шошқинлиқнинг тасвири ани “пишган тут каби оёғига дув тўқилмок” ўхшатиши билан янада музайянлик касб этган. Шоирнинг “Денгизга” шеърида “Яхши қол, эркин сув! Яхши қол денгиз! Тўлқинлар кўйнимга қиздай кир-дингиз!”, “Шафқ...” шеърида “Шафқ ўчай деб қолди Каптар қонидек рангсиз”; “Лугатимда...” шеърида “Сен-тябрнинг кечаси салқин, Онам каби юмшоқ беозор”; “Ўртоқ” шеърида “Қандай шодлик, бутун умрни Яхши шеърдай ёддан биламан”; “Қушча...” шеърида “Қушча каби деразамга урар қанотин Водийлардан чечак тақиб келган сентябрь”; “Юксал, оппоғим” шеърида “Банги чолнинг ўчган шами каби Ўчиб кетди оти ўтмишининг”; “Нахшон” dostonида “Барлар кўнглим каби Қалтирар тинмай”, “Боксам: хом сут каби Кўкмитир сахар”; “Са-танглардек қадди Кеккайган олма”, “Дедим: “Саҳарда-ғи Булбул оҳидек Умр қаёқларга Борар номаълум” каби мисралардағи ўхшашсиз ўхшатишлар Усмон Носир қалбидағи туйғулар талошининг ўзига хос ифодалари-дир.

Маълумки, тилимиз рангоранг шеваларга бой, шевалар халқ тили сифатида тилимиз такомили ва тароватини тирик сақлаб келаётган, адабий тил қу-юшқонларини кўпда писанд қилмайдиган, аммо унинг боқийлигининг зимну заминини ушлаб турадиган, ада-бий тил дейиладиган муаззам ва мухташам бирликнинг бойишшига тиргак тутадиган туганмас манбалардир. Усмон Носир ўз асарларида халқ тилининг ана шун-дай қатламларидағи сўзларни ҳам ёддан чиқармайди, уларни ўзининг бадийий ниятига мувофиқ тарзда ўрни билан мисраларга олиб қиради. Масалан, водий шева-ларида *нарвон* ўрнида *шоти* сўзи ишлатилади. Бу сўз “Нахшон”да мана бундай қўлланган:

Шоти бўлиб
Кўкка чирмашган нола.
Шундай поядорки,
Кўринмас тағи...

Ноланинг кўкка чирмашишининг ўзи бир образ, *шоти* сўзи ана шу образнинг янада тўлғин бўлишига кўмак бер-ган, айна пайтда *шоти* ва *чирмашмок* сўзларидағи сирға-лувчи “ш” товуши эшилиб кўтарилишни таъкидлагандай бўлади. Шоир шеъриятида водий шеваларига оид *асти* (асло), *бирушта* (доимо), *шимғимок* (шўмғимок), *бағи* (бу ёғи), *сатта* (нуқул) каби сўзлар учрайдики, улар ҳам шоир шеърияти тилининг рангинлиғи ва ифода нозиклиғи учун хизмат қилади

Айтиш жоизки, шоирнинг шоир ва улкан истеъдод соҳиби Усмон Носир шеъриятида юрак замзамала-рининг ёрқин бадийий ифодаси ўзига хос тарзда на-моён бўлган, унинг юракка созланган сўзларининг поэтик синоатлари ҳали кўп тадқиқотларга манба бўлади. Унинг асарлари ўзбек адабиёти тарихида мутлақо муносиб уринга эга. Шунинг учун ҳам шоир таваллудининг 110 йиллигини кенг нишонлаш ҳақи-дағи қарор халқимизнинг барча қатламлари кўнгли-ни шод этди.

Низомиддин МАҲМУДОВ,
Ўз ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори
институти директори,
филология фанлари доктори,
профессор

БИР-БИРИДАН ҚЎР ОЛГАН ДИЛЛАР

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Мушоирадан сўнг назм, наср, бадийий публицистика, бадийий таржима, адабиёт-шунослик, драматургия ва рус адабиёти йўналишлари бўйича шўьбаларга бўлиниб, амалий машғулотлар олиб борилди. Бола-лар адабиёти шўъбасида ёшларга сабоқ берган Кавсар Турдиева, Сувон Мели каби устоз ижодкорлар Фарангиз Очилдиева, Ойбарчин Қўшоқова, Адиба Мелиева син-гари иштирокчиларнинг болаларбop шеър-лари ва ҳикояларини тинглаб, ўз мулоҳаза-ларини билдиришди.

— Болалар учун ёзишнинг ўзига хос мураккаб ва ўнғай томонлари бор, – деди Кавсар Турдиева. — Биринчидан, бола онг-гига шеърият билан кирган тарбия катта аҳамиятга эга ва бу анчайин масъулятли вазифа. Иккинчидан, болани ишонтириш-дан осони йўқ. Мен илк суҳбат асносида-ёқ айрим иштирокчиларнинг аллақачон шаклланиб қолганига амин бўлдим. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, бу йил болалар адабиёти йўналишида ижод қила-ётган ёшлар сафи кенгайгани бизни жуда хурсанд қилди.

Маҳорат дарсларидан сўнг ёш қалам-кашлар яна қизгин мушоирага киришишди. Она Ватан, дўст-ёрга муҳаббат, меҳр-оқи-бат мавзۇларидағи шеърлар бир-бирдан кўр олиб, диллардағи илҳом ўтини янада оловлантирди.

Семинарнинг иккинчи кунида ҳам шўъба машғулотлари давом этди. Тушдан сўнг устозлар энг сара ижод намуналари-ни танлаб, энг маъқул номзодларнинг илк китобларини чоп этишга тавсия қилишди. Хато ва камчиликлар тузатилиб, ютуқлар эътироф этилди. Адабий мунозаралар поёнига етгач, Зомин семинарининг илк қалдирғочлари иштирокида давра суҳба-ти ҳамда китобхонлик кечаси ва мушоира бўлиб ўтди. Сўнг “Янги Ўзбекистон” боғига саёҳат уюштирилди.

Семинар иштирокчилари бугун “Пар-кент ижод уйи”га йўл олишади. У ерда 2021 йилда ўтказилган Зомин семинарида иштирок этиб, “Биринчи китобим” лойиҳа-си доирасида чоп этишга тавсия қилинган 25 нафар муаллифнинг илк китоблари тақдимити ўтказилади. Тадбирда Ўзбеки-стон Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилинган семинар иштирокчиларига аъ-золик гувоҳномалари ҳамда ҳар йилгидек эсдалик совгалари топширилади. Семинар якунида оммавий ахборот воситалари хо-дмллари учун пресс-тур ташкил қилинади.

Шухрат МЕНГЗИЁЕВ

Инсониятнинг шундай фарзандлари борки, улар ҳамиша ва ҳамма жойда эсланади, уларга муттасил эҳтиром кўрсатилади. Шундай улуг зотлардан бири украин халқининг буюқ фар-занди, улуг қубузчи Тарас Шевченкодир.

Васият умумхалқ тили ҳамда юридик атамдада ўлим олдидан айтилган ёки ёзиб қолдирилган охириги сўз ҳамда ҳужжатини англатади. Бу икки олам оралиғидағи ҳо-диса сифатида айрича аҳамиятга эга. Ўлим остонасида айтилган (ёзилган) гап олди-қоч-ди, ҳавоий гап бўлиши мумкин эмас. Агар васият шеърий тарзда бўлса, бунинг устига бу шеърни бутун бир улуснинг жамми дар-ду аламини ўз гарданига олган жабрдийда халқнинг буюк шоири битган бўлса. Гап ўзи ва халқи томонидан Кобзарь, қубузчи деб ном олган улуг Тарас Шевченконинг машхур “Васият” шеъри ҳақида кетаётганини пайқа-ган бўлса керак, зукко газетхон.

Шу ерда бир гални айтмоқ жоиз. 1959 йилда Ўзбекистон давлат бадийий адабиёт нашриёти буюк шоирнинг йирик икки томлик “Танланган асарлар”ини нашр қилган, унинг илк томига шоирнинг шеър ва дostonлари, иккинчи томига драма ва повестлари кири-тилган эди. “Васият” шеъри биринчи том-нинг 304-бетида, шеърнинг сўнгги учинчи банди шоир дастхатида кейинги саҳифада чоп этилган.

Бу шеърни ақлимни танигандан бери биламан, десам муболага эмас. У ўрта мак-табларнинг 3-синфи учун чиқарилган қалин-гина “Ўқиш китоби”дан ўрин олган, мен бу китобни 2-синфдағилимдаёқ ўқиб туширган эдим. Шеър бир ўқишда ёдда қоларлик эди. Кейинчалик уни машхур шоиримиз Ҳамид Олимжон она тилимизга моҳирона ўғиргани-дан хабар топдим. Шеър “Васият” деб ата-либ, шундай бошланар эди:

Ўлсам менинг жасадим
Украинага кўмилсин.

Қабрим у кенг даланинг
Энг ўртасида бўлсин.

Поёни йўқ она ер,
Ва зангори Днепр

Кўриниб турсин менга
Вағиллаб оққан дарё

Билиниб турсин менга!

Мурак онг билан буни кекса киши ёзган деб ўйлар, менда озгина қўрқув (ўлим!) ва ҳазиналик уйғотарди. Кейинчалик билдимки, шоир уни 1945 йил 25 декабрда Днепр бўйи-дағи Перееяслав шаҳрида ёзган, бу пайт буюқ қубузчи бори-йўри 31 ёшда эди. Шеър Укра-инанинг она дарёси Днепр бўйида ёзилиши бекаромат бўлмай, у илоҳий бир тарзда ўли-мдан 12 йил олдин битилгандир.

Ҳақиқатдан ҳам шоир шеър ёзилган жойдан қуйироқда, Днепр бўйидағи Канев шаҳри яқинида васиятига биноан мангу кў-ним топди. Миннатдор авлодлар она халқи учун жабр-жафо чеккан, буни бадийий сўзда муҳрлаган улуг бобокалонининг тилагини бе-ками-кўст адо этадилар.

Шеърга қайтсак. Шеър ўз таржимонини топган, бежиз эмаски, у она тилимизда би-тилгандек ҳали-хамон ёши улуглар ёдида сақланади. Шеърнинг иккинчи банди шид-датли ва қаҳрли. Банд сиртдан қараганда даҳрийликдай туюладиган мисра билан якун топади:

Душман қонини дарё

Ювиб оқизган замон
Элим топган кун омон,

Кўзғаларман қабримдан
Ишқий олий даргоҳга,

Худого топинаман.
Келмай туриб ўша кун,

Худо йўқдур мен учун!

Эрк ҳақида, она-Ватан озодлиғи ҳақида

бундан-да ўтли мисралар битиш мумкинми-кан? Бу икки ҳолатни асослайди, бири зулми-нинг кучайгандан кучайгани, иккинчиси, шу

зулмни ич-ичдан кечирган шоир туйғуси-нинг танранглигини, танглигини. Дастлабки бандда “вағиллаб оққан дарё”, яъни Днепр бу ерда ҳам ҳаракатда. Дарё душман қонини ювиб оқизганда, эли омон топган кундағина шоир қабридан кўзғалади. Ва Олий даргоҳ, Худого топинади. Айни шу ерда қалбан ко-мил художўй бўлган шоир – мутлафаккир тилидан ғоят вазмин сўз янграйди: “Келмай туриб ўша кун, Худо йўқдир мен учун!” Биз

қалмикнинг улуг шоири Давид Куғилти-нов ўша пайтлар жуда машхур бўлган “Ли-тературная газета”да, 1989 йилда бир шеър-нинг чоп эттиради. Маълумки, ушбу шоир кўп йиллар Сталин қатағонидан азоб чеккан, шеър сургун пайтидағи бир воқеа ҳақида эди.

“Лагеримизда ўта художўй бир чол бўлар, у барча диний ибодатларни беками-кўст адо этар, камгап ва сокин, бечораҳол эди”, дея шеърий баён қилади воқеани қалмик шоири ва давом этади: шу одам 53-йил Сталин ва-фот этган кун Худого шакл келтирди. Ундан тонди. У ғазаб ва алам билан дерди: қан-дай қилиб шундай нокас кас ўз уйида, кур-па-тўшағида вафот этади. У ўлимини кутиб азоб чекиши, қон қусиши, сийдигини ичиб, ахлатини чайнаши керак эмасмиди?! Қандай қилиб у бемалол ўлади. Демак, Худо йўқ, бўлганида бунга йўл қўймасди, дея йиглаб ўқиради қария”.

Шу ерда Д.Куғилтинов буюқ бир фикрга келади: қария шу куни Худодан тонди. Лекин бу — энг олий художўйлик эди!

дек, эрк учун курашмок абадийдир. Жаҳон адабиётининг яна бир дурдонаси Гётенинг “Фауст” трагедияси сўнгига Фауст ўлими олдидан айтиган шундай гали бор:

Узоқ ҳаёт йўлин ўтдиму босиб,
Олам ҳикматини айладим якун.
Ким – эрк, ҳаёт деб
жанг қилолса ҳар кун, –
Эрку ҳаёт учун ўша муносиб.

(Э.Вoхидов таржмaси)

Эрк ва ҳаёт. Улар бир-бирига қўшилса — эркин ҳаёт, бири биридан айрилса, на ҳаёт, на эрк қолади. Мустақиллик йўқотган эркимизни қайтариб берди. Лекин эрк ос-мондан ёғиладиган чаллак эмас. Унга му-носиб бўлиш, унинг учун муттасил кураш-мок керак. Бу буюқ ҳақиқатни Гёте ўзининг умр бўйи ёзган асарида аъзолигига қўйган. Тарас Шевченко эса эрк учун муттасил жанг қилиш зарурлигини, шундағина улуг оилада (қанчалик гўзал ва чуқур ибора!) эркин яшаш мумкинлигини доҳиёна қайд этмокда.

Эрк билан ҳаёт тотли, эрксиз ҳаёт — бо-ридан йўғи. Улуг мутафаккирларнинг эрк ва ҳаёт формулaси шундай. Яшасин ҳаёт, яша-син эркин ҳаёт!

Мақолани Украинанинг яна бир улуг фарзанди Иван Франконинг буюқ қубузчи ҳақидағи гапи билан якунламокиман: “У деҳқон боласи эди, аммо маънавий олам-нинг ҳокими бўлди. У крепостной деҳқон эди, лекин кишилик маданиятининг улуг ва мужассам қудратига айланди... У Россия

БАТАН – ШОИР!

Тонг сахарда мендан баланд
чуғурлайди қалдирғочлар.
Яшамоқнинг ҳавасидан
туним қарзу куним бойир.
Йўл четидан юрагимдай
бўй чўзади симёғочлар.
Менинг ҳали чуғурлашга
овозим йўқ – Ватан шоир!

Кечадирман қисматимни
таним бундан узилмайди,
Ўз умрингдан ортиб бўлмас,
ташвиш кундан узилмайди.
Ахир, менинг туркий жумлам
ғайри сўздан тузилмайди,
Элдан ортиб айтадиган
бир сўзим йўқ – Ватан шоир!

Бедор қишлоқ япроқлари
бир-бирига пичирлайди.
Келинчаклар тебратгувчи
бешиклари гичирлайди.
Бу томоннинг одамлари
тунда чироқ ўчирмайди.
Кўрганимни кўрсатгани
Кўзларим бор – Ватан шоир!

Бирда туриб кенглик дейман,
ичи торлар авф этгайсиз.
Бирпас ўтиб, танглик дейман,
сабри борлар, авф этгайсиз.
Асл шеърни Ватан ёзар –
Ижодкорлар, авф этгайсиз,
Овозидан қулогимни
ҳеч узгим йўқ – Ватан шоир!

Элдан ортиб айтадиган
бир сўзим йўқ – Ватан шоир!

Отажон ТУЛОВОВ

Қашқадарё

ТАФАККУР

Эркалатар сочларимни тун,
Тушларимни элайди болиш.
Энг тенги йўқ туҳфадир, тушун,
Сукунатни эшитиб ётиш!
Барча ҳислар чиқар ўртага,
Туйғуларнинг энг саралари.
Қилингандай гўё журттага,
Хона бўйлаб нур таралади.
Қоплар шифтнинг туйнуқларини,
Зимистонни ёриб чиққан нур.
Аста очиб эшикларини,
Пайдо бўлар рангин тафаккур.
Алмашади зангори ранглар,
Рақс этади камалак ўйлар.
Тўкилади минг йиллик занглар,
Таралади жаннатий бўйлар!
Димокларни сийпалайди ел,
Томчилайди борлиқнинг дури.
Ҳеч бўлмаса, ўйларимда кел,
Бу ҳам битта дийдорнинг тури!
Сочларингни эркаласин тун,
Тушларингни эласин болиш.
Мумкинмасми, ҳеч йўқса, бир кун,
Ҳисларингнинг ёнида қолиш?

Орзу ҲАЁТ

Тошкент вилояти



ЎТИНЧ

Тўкилиб кетяпти мисли зар
Кўзимдан марварид томчилар.
Сиз эса ҳолимдан беҳабар,
Кетяпсиз Бойчибор қамчилаб.

Бокмайсиз ортга бир қайрилиб,
Алп йигит, шамолдек еласиз.
Кетарсиз, кун келиб қумлардан
Битталаб кўз ёшим терарсиз.

Рўмолча берайин, ҳеч қурса,
Зум тўхтанг, шу зумга бойланай.
Жой беринг, рўмолга қўшилиб
Кўксингиз тўрига жойланай.

Дўмбира чалади энам-ов,
Бағрингиз эзмасми садоси.

ОРОЛ МАНЗУМАСИ

Сен тарафга тортарман йўл,
Оч кучоғинг.
Хар кўнгилни интиқ этган сен эмасми?
Сен тарафга тортарман йўл,
...Тийнатида
Маҳзунлик ҳис қилган йигит мен эмасми?!

Булоқ бўлиб кўз очарсан кўзларимда,
Фироқ бўлиб кўз очарсан кўзларимда.
Муштилар бир дарё қолар сени йўқлаб
Эй, кўнгилни элитган ул изларидан...

Алла бўлиб таралгайдир эзгу бир сўз,
Меҳрга ишқ қоришгайдир ўтовингда.

БУ ЯНА МЕН...

Мен ўшаман, сиздаги борлик,
Йўқлик ичра қайтадан пайдо.
Ўзингизга жуда ярашган,
Нигоҳингиз этди-да шайдо.

Дардисар дил,
Дардисар бу дил,
Дард юртидан қайга ҳам кетай.
Бугун ўздан ётсираган дил,
Фақат сизга талпинса, нетай...

Ишқи ҳаққи, сизни севгувчи,
Гўё сиз деб яшайди ҳамон.
Сиздан кетиб, сизга келгувчи,
Бу яна мен,
мен ўша ёмон!

Барно ОРИБЖОНОВА

Наманган

ИЗҲОР

О, қайдасан, қайларда, эркам?
Дилда ишқинг олови ёнар.
Сенга айтар сукутларим бор,
Соғинчларим рангин товланар.

О, қайдасан, қайларда, эркам?
Кўзларимда тўла ишқ майи.
Кела қолгин, инжиқ лабимдан
Кулгичлар чизгиси кетмайин.

О, қайдасан, қайларда, эркам?
Ўйларингдан ўчганми йўлим.
Шер боқмаган хуркак жайрондек
Шоқолларга ғажилар кўнглим.

О, қайдасан, қайларда, эркам?
Баҳоримда барглар сарғаяр.
Изҳорларинг иси кетмаган
Вужудда бир севги улғаяр.

Гулрухсор УММАТОВА

Андижон

Сен-ла кечган мунир тонглар, маъсуд онлар
Гўзал хотир эрур ҳаёт китобимга.

Шом ботарда боқдим Мўйноқ тарафларга,
Олис уфқда денгиз қалқир – сузар булут.
Шафақ елканларин осган кемалардан
Орол кўзга кўрингайдир тўлиб-тўлиб!

Дилдан сўзлар тўкилмоқда,
Борғунимча,
Териб қўйгум юракдаги меваларни.
Ҳали сенга бағишланган шеърим билан
Уйғотгайман бағрингдаги кемаларни!

Адилбек ЛАТИПОВ

Қорақалпоғистон Республикаси

АЁЛ

Сен – опа-сингилсан, меҳрибон она,
Фарзандлар қошида доим парвона.
Жони озорланса, сен ёна-ёна,
Борингни, жонингни берасан аёл.

Гоҳ жовдирар маъюс кўзларингдан ёш,
Ситамлар етказар қай бир бағритош?
Арзийсан, пойингга дунё эгса бош,
Шунда ҳам мунғайиб турасан аёл.

Гўзаллик тимсоли сен ўзинг асли,
Хумор кўзларингнинг йўқ эрур васфи,

Қалбингни шод этса магар бахт васли,
Баҳордай, сен яшнаб юрасан аёл.

Қувончлар доимо сенга бўлсин ёр.
Алласиз, тунларинг ўтмасин бедор,
Баъзан, неларгадир бўлгандай хумор,
Жимгина не ўйлар сурасан аёл?

Метин бардошингдан дунё қолар лол,
Елкангда ташвишлар, келмайди малол,
Суюкли ёр ўзинг, ишқдан мадад ол,
Бу дунё елкангда, келасан аёл.

Садоқат ҚУРБОНОВА

Сурхондарё

МАКТУБ

Сен сарсонсан, мен-да дил сарсон,
Хат ёзаман ҳислар тўкилиб.
Ҳеч етмайди улар сен томон,
Қолиб кетар ерда сочилиб.

Йиртилади, юзи бўлар нам,
На сўзларнинг якунин кутар.
Балки сенинг ёзганларинг ҳам
Меникидек ерпачин ётар.

На шамоллар эсади бизда,
На кабутар ташиб ўтар хат.
Ёзамизу бир-биримизга,
Ўз-узимиз ўқиймиз фақат.

Қани, севгим сенга учолса,
Қани, йўллар йўлатишсайди.
Мени сенга оппоқ либосда
Мактуб этиб жўнатишсайди.

СЕВАДИ, СЕВМАЙДИ...

Севади, севайди....
Мойчечакдан узилар япроқ.
Этагига бир дунё гулни
Йиғиб олиб санар қизалоқ.

Севади, севайди....
Бўлмаппти, ҳеч ҳам тугамас
Қуриб кетгур "севади" бўлиб.
Қизалоқнинг этаги эса,
Япроқларга боряпти тўлиб.

Севади, севайди....
Раҳминг келсин, тугат ўйининг.
Япроқлардан қилмагин гина.
Минг узсанг ҳам севмаса, ахир,
Мойчечакнинг гуноҳи нима?!

Дурдона БАҲОДИРОВА

Сирдарё

ИЛҲОМ

Қайси бир китобда ишқий шеър бўлса,
Буклаб кўяр эдим варақ четини.
Ўн марта, юз марта ўқирдим роса
Ёдлаб олмагунча ўша бетини.

Бугун бир оддий қиз, бағоят содда,
Қорача, юзлари ула-эликсиз.
Сурату сийратин қолдирди ёдда,
Мангуга ёдладик кўнгил иккимиз.

Бу ақлим нимага етмади-етди,
Ёдлаб китобларнинг сон минг бетини?
Қиз қаламни тутмай шеър айтиб кетди,
Кейин букиб қўйди юрак четини...

КАТТАЛАР

Боғчадаги болага бугун
ич-ичимдан қиламан ҳавас.
Бир кун бахтли яшаши учун
боғча опа ўпиб қўйса бас.

Эртакка ишониб юрса ҳам
қўшнимнинг тўрт яшар боласи,
Ўйинчоқ талашиб турса ҳам
ичида бўлмайди оласи.

Бугунги кунимни айтаман,
курашсиз ўтмайди бир они.
Мен яна боғчага қайтаман,
катталар талашсин дунёни.

Мансур НАЗАРОВ

Тошкент шаҳри



Наҳотки ақлдан озаётган бўлсам,
деб ўйлади у ва қоғоз-қаламини олиб,
агар шу лаҳзада уйғонган фикрларини
ёзиб қўймаса, ҳаммаси унутилиб кети-
шини хаёлидан ўтказди.

Воқеа мана бундай бўлган эди: бир
куни анҳор бўйлаб шунчаки сайр қилар
экан, анҳордан хушбичим жувоннинг
челақда сув олаётганига кўзи тушди.
Рассом ундан кўзини олиб қочишга
уринди, бироқ эпполмади, яна ўша
томонга қарагиси келди. Қарасаки,
соҳилда жувон йўқ. У киприк
қоққунча гоғиб бўлибди.

Хайратга тушган рассом
қирғоқ яқинида бирор-бир
уй йўқлигини, агар бўлган тақдирда
ҳам жувон бунчалик тез кетиб қоли-
шини ақлига сиғдиролмасди. Аслида
эса, қирғоқни қоплаган ўт-ўланлар че-
лакни сувга ботирган жувон шаклида
кўринган. Шу тобда у хаёли осмонда-
ги турли (ҳатто, одам қиёфасини ҳам
эслатувчи) шаклларга эврилиб сузиб
юрадиган оқ булуғлар сингари сочилиб
кетишини сира истамасди. Ногаҳон ха-
ёлига Ван Гогнинг “Картошка экаётган
деҳқон аёл” сурати келди. Суратдаги
аёл шом ғира-ширасида тасвирланган-
ни учун худди қояга ўхшаб кўринарди.
Винсент буни англаб чизганми ё англа-
майми, тахмин қилиш мумкин, холос.
Ҳақиқий ижод беихтиёр содир бўлиши
ҳисобга олинса, сурат ўзи ҳақида ўзи
сўзларди.

Шунга ўхшаш воқеа ўсмирлик чоғи-
да ҳам рўй берган. Бир куни кўчадан
кеч қоронғусида қайтди: шом тушиб

қолган. Уйга кириб, ҳовли этагидаги
ўчоқда онаси қозонга гуриллатиб олов
ёқиб, овқат пишираётганини аниқ кўр-
ди.

– Она, мен келдим, – деди-да, жа-
воб кутмай, хонасига кириб ўриндиққа
чўкди. Зум ўтмай, онаси хонага кириб
келди.

– Овқат пишдимми, она, жуда оч-
ман?!

– Ҳа болам, ҳали пешинда мастава
қилгандим, қуйиб берайми?

РАССОМ ЎЙЛАРИ

– Ҳозиргина ўчоққа ўт ёқаётган
эдингиз-ку, овқат қилмадингизми?
– Йўқ, мен ҳозир қўшнининг уйи-
дан чиқдим.
– Мен сизни ўчоқ бошида кўр-
дим-ку, кўлингизда қагир ҳам бор
эди.

Рассом ўзига ишонмади, Онаси ик-
киси ўчоқ бошига боришди. Ўчоқда на
қозон, на чўғ бор. Бу ёлғончи тасаввур-
ми ёки борлиқ ва яна нималарнингдир
уйғунлашувими? Эътиборсизлики ёки
ҳар кунги турмуш манзараларига ўрга-
ниб қолганиданми? Рассом кўзларидан
парда кўтарилди. “Наҳотки, уйга онам-
нинг шарпаси сингиб қолган бўлса,
қайси руҳ онам қиёфасига кириб, мени
чалғитди?” деди ўзига ўзи.

Уй, уй, уй... Миясида шу сўз царх
ураверди...

Дарвоқ! Достоевскийнинг рома-
нида княз Мишкин дўсти Рогожиннинг

уйини биринчи марта адашмай беҳато
топиб келгани ва унинг уйи ўзига ўхша-
шини айтади. Рогожин Мишкинни ту-
шунадиган даражада телба эмас, бироқ
уни маълум даражада англарди.

Мишкин уйда Рогожин нигоҳлари-
ни кўради, уй Рогожиннинг суратига
ўхшарди. Мишкин бетоб, шу сабаб
унинг нигоҳида борлиқ жилваланарди.
Шу ҳолида барчаси табиий, албатта.
Соғлом инсон табиатнинг олий инъо-
ми, реал воқеликни иккиланишларсиз,

уйини биринчи марта адашмай беҳато
топиб келгани ва унинг уйи ўзига ўхша-
шини айтади. Рогожин Мишкинни ту-
шунадиган даражада телба эмас, бироқ
уни маълум даражада англарди.
Мишкин уйда Рогожин нигоҳлари-
ни кўради, уй Рогожиннинг суратига
ўхшарди. Мишкин бетоб, шу сабаб
унинг нигоҳида борлиқ жилваланарди.
Шу ҳолида барчаси табиий, албатта.
Соғлом инсон табиатнинг олий инъо-
ми, реал воқеликни иккиланишларсиз,

жўн, оддий қабул қилади. Бе-
тоб одамнинг кўзига ҳар хил
шакл ва ёки руҳлар кўри-
ниши мумкин. “Мен ҳам княз
Мишкин сингари касал бўляпман
ёки тугма касалман”, деб уйга толди
рассом.

Мусаввир шундай ўйлар билан ке-
йинги воқеа турткисидан туғилган
фикрларини ёзишга тутинди. У анҳор-
дан сув олаётган жувондан кўзини
олис уфқ томон олиб қочганда, осмон
кенгликларида бир гала қушлар гўё
қафасга тушган улкан махлуқдек ёки
денгиз тубидаги балиқ тўдаси синга-
ри ўзини ҳар ёнга урарди. Кейинроқ у
бошқа нарсани илғаб қолди. Қушлар
бир лаҳзагина улкан қушнинг шаклини
ясашибди, холос.

Мусаввир миллионлаб қушлардан
пайдо бўлган улкан қуш шаклини оний
лаҳзада англаб, ўзи учун янги бир сир-

ни очганидан мамнун жилмайди. Ҳар
хил шакл-шамойилларни ифода эта-
ётган раққоса қушлар анча йиллар ил-
гари бир китобда ўқигани – Бетховен
эшитиш қобилиятини йўқотганини қан-
дай англаб қолгани ҳақидаги воқеани
ёдига солди. Воқеа унинг тасаввурида
шундай тус олди: чексизлик ҳамма
нарсанда мавжуд эканини англаб етган
кунингдан бошлаб ҳаммаси ўзгариб
кетди, табиатнинг оддий қонуниятла-
ридан ташқарида рўй берган жараён-
лар илоҳийликка дахлдор. Бетховен
кўчада кетаётиб черков кўнғироғи
овозидан чўчиб, осмонга сочилиб
кетаётган қушлар қанотини қоққан
оний лаҳзаларда ўзининг эшитиш қо-
билиятини йўқотганини англагану ле-
кин бунга парво қилмай, ҳазина топиб
олгандек, моҳиятнинг чуқур хилқатла-
рига етишаётган девона ошиқдай ўзи-
нинг ҳар бир ҳаракати коинотнинг олис
пучмоқлари – миллионлаб сайёралар-
нинг-да ҳаракатига ҳамоҳанг эканини
сезгандир.

Айни пайтда рассомнинг ўзи ҳам шу
доира бўйлаб ҳаракатланаётганини ан-
глаб улгурмасидан чуқур уйқуга кетди.
Туш кўрди. У атрофидаги манзаралар
аввалдан танишлиги, ўзини бу ерларда
қачонлардир яшаб ўтгани, онасининг
ҳар оқшом бир вақтда ўчоққа гуриллати-
б олов ёқишлари такрор эканини ҳис
этиб, болалиги ўтган кўчаларда ҳайрат-
га тушганча кезиб юрарди.

Миродил ЖЎРАЕВ

Андижон

НАВОИЙ ЛИРИК МЕРОСИНИНГ КЎЗГУСИ

Алишер Навоий шеърияти миллий ҳамда қардош халқлар адабиётларининг энг илғор аънааларини ўзида мужассам этган ноёб адабий ҳазина ҳисобланади.

Навоийнинг лирик қаҳрамони — бой маънавий-ахлоқий сифатлар соҳиби. Унинг руҳий олами, характерига хос муҳим қирралар ҳаётга ва ўз замонасига бўлган фаол муносабати орқали кўз олдимизда ёрқин намоён бўлади. У даврнинг юрагидаги мураккаб ритмини чуқур ҳис эта оладиган зукко олим ва сиёсий арбоб. Айни замонда ишқининг қувонч ва аламлари, мусофирликнинг оғир руҳий изтиробларидан ҳам маҳрум эмас. Бинобарин, бир ўринда у ана шу инсоний туйғулар гирдобиде туриб оху нола қилса, бошқа бир ўринда осмону фалакни ларзага соладиган даражада наъра тартади.

Шунинг учун ҳам мазмунан теран ғоявий юксак ва бадийи баркамол дурдоналар шоир ҳаётлиги чоғидаёқ миллий ва ҳудудий чегаралардан ўтиб, Хуросон, Мовароуннахр, Кичик Осиё ва Шарқий Туркистонда кенг ёйилди.

Навоий лирикаси ҳақидаги дастлабки фикрлар шоир ҳаётлик пайтидаёқ баён қилинган ва уларда бу лирика моҳияти ихчам, аммо мукаммал таърифланган. Бу ўринда «Оразин ёпқач...» деб бошланувчи машҳур ғазали ҳақидаги Лутфий эътирофини эслаш жоиз.

Абдураҳмон Жомий «Баҳористон» асарида Алишернинг тенгсиз истеъдоди,

унинг икки тилда шеър ёзиши, бироқ туркона ёзишга майли кўпроқ эканлигини таъкидлагач, "...ҳеч ким ундан кўп ва ундан яхшироқ шеър айта олмаган ва назм дурларини тера олмаган", деб ёзади.

Ана шу бир жумлада Навоий адабий мероси, жумладан, лирик меросининг энг муҳим жиҳатлари (ҳажм жиҳатидан ҳам, мазмун ва бадийи шакл нуқтаи назаридан ҳам) низоҳатда теран ифодаланган. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг Навоий шеърияти ҳақида «Бобурнома»да баён қилган фикри ҳам мазмунан Абдураҳмон Жомий фикрига уйғун.

Атоқли олим Бертельс «Навоий» монографиясида Навоий девонларининг (жумладан, форсий девони) кўлёзмалари ҳақида маълумот беради, уларни муқояса қилади. Шу билан бирга, Навоий туркий ғазалларининг ўзига хос муҳим томонлари ҳақида фикр юритиб, айрим ғазалларнинг муфассал таҳлилни тақдим этади, Навоий китъаларининг моҳияти ҳақида ҳам мулоҳазаларини баён қилади.

Маълумки, ўзбек мумтоз поэзиясининг жанр жиҳатидан бойиб, мукаммал ҳолга келиши бевосита Навоий номи билан боғлиқ. Улуғ шоир девонида биз, бир томондан, ўзбек поэзиясида ўзининг маълум аънааларига эга бўлган лирик жанрларнинг моҳият эътибори билан янгича талқинини кўрсак, иккинчи томондан, форс адабиётида ўзининг қатъий қонуниятларига эга, аммо туркий

адабиётда бўлмаган ёки у қадар ривож топмаган баъзи бир жанрларнинг янги-ча ифодасини кузатиш имкониятига эга бўламиз.

Навоийнинг поэтика соҳасидаги новаторлигини унинг девон тузиш аънаасига ижодий муносабатиде яққол сезиш мумкин. «Ҳазойин ул-маоний» дебочаси ҳар жиҳатдан пухта илмий рисола бўлиб, Навоий лирик ижодиётининг энг муҳим жиҳатларини тўғри тушунишга ёрдам беради. Унда муаллиф замондошларининг шеърларига муносабати, мавжуд девонлари ва уларнинг юзага келиш сабаблари ҳамда ўзига хос хусусиятлари, турли лирик жанрлар тараққиётига қўшган ҳиссаси, ҳуллас, бутун поэтик ижодининг мухтасар ва ёрқин манзарасини тасвирлайди.

Навоийнинг девон поэтикасига доир мавжуд аънааларга танқидий муносабати йиғитлик давридаёқ шаклланган бўлиб, у ўзининг бу борадаги мулоҳазаларини «Бадоеъ ул-бидоя» дебочасида очиқ баён қилган. Мазкур дебочада: «Неча навъ ишким мунда маръи бўлуб турур, ўзга давовинда кўрулмайдур. Ул будурким» деб, ўз девонига хос туртта хусусиятни санаб кўрсатади. Бу хусусиятлар девоннинг тузилиши ҳамда унинг моҳияти, шеърларнинг ғоявий асослари ҳамда услубига тааллуқли.

Навоий девонида ҳар бир ҳарф ҳамд ёки наът характеридаги ғазаллар билан бошланади ва бу ҳол девон таркибидеги

ҳар бир гуруҳ ғазалларга ўзига хос мустақиллик руҳини бағишлайди.

Навоий лирик меросининг мукаммал мажмуаси ҳисобланган «Ҳазойин ул-маоний»да унинг девон поэтикаси борасидаги барча режалари тўлиқ ифодасини топган. Жумладан, «Ҳазойин ул-маоний»да барча ҳарфларнинг бошланиш қисмига махсус сарлавҳалар қўйилган. Шунингдек, қиъалар ҳам уларнинг моҳиятини яхшироқ идрок этиш учун ёрдам берадиган, санъаткорона ёзилган махсус сарлавҳалар билан таъминланган.

Бу девон поэтикасига хос хусусиятлардан яна бири унинг бутун структураси қатъий симметрия қонуни асосига қурилганидир: девоннинг асосини ташкил этган ғазаллар (2600 та) тўрт девонга бир хилда (650 тадан) тақсимланган; ҳар бир қофия ёки радифга барча девонларда шеър берилган (иложи борича, тенг миқдорда ва бир хил ўринда). Шунингдек, радиф сифатида келган сўзлар (хусусан, арабча сўзлар) бир ўзакка мансуб бўлса, уларнинг грамматик жиҳатдан ясалган тартиби ҳам назарда тутилган (масалан: тахсис — махсус).

Ҳуллас, девон тузиш тарихида ўзига хос ҳодиса ҳисобланган «Ҳазойин ул-маоний» Навоий лирик меросининг ҳақиқий кўзгуси, ўзбек мумтоз шеърятининг барча фазилатларини ўзида мужассам этган поэтик қомусдир.

Орифжон ОЛИМЖОНОВ,
семинар иштирокчиси
Тошкент шаҳри



Людмила ПЕТРУШЕВСКАЯ **ЯНГИ ТАРЖИМА**

ШОПЕН ВА МЕНДЕЛСОН

Бир аёл қўшчилар уйида ҳар оқшом янграган мусикадан холирдир: у ерда яшовчи чол билан кампир худди қатъий жадвал бўйича юрадиган поезддек ҳар куни бир пайтда — кечки овқатдан сўнг пианино қаршисига келишар ҳамда кампир ҳар доим битта куйни чаларди: аввалига ғамгин, сўнгра рақсбон. Ҳар куни тангир-тунгир, на-на-на. Уларнинг қўшиниси бўлимиш аёл бу аҳвол ҳақида ўз танишларига, ҳамкасбларига қулиб ҳикоя қиларди, аслида эса, бу ўзи учун йиғлагulik ҳол эди. Ахир, ҳаётда турли вазиятлар бўлади: баъзида одамнинг тоби қочиб қолади ёки шунчаки дам олгиси келади. Ҳар куни телевизор овозини кўтариб қўйиш ёки қулоқни беркитиб ётишнинг иложи йўқ-ку — қўшчилар-чи, ҳамон ўша-ўша мусика, тангир-тунгир, на-на-на.

Чол ва кампир кўчага ҳам бирга чиқшар, бу ҳам жадвал асосида, эрта тонгда, ҳали кўпчилик ухлаётган, маст-аластлар —

Лекин ҳар нарсанинг интиҳоси бўлганидек, мусика бирдан тинди. Қўшни аёл эркин нафас олди, қуйлади, қувнади. У бир бевагина аёл эди, яъни ташлаб кетилган рафиқа, аниқроғи, рафиқа ҳам эмас, шунчаки бир хонали хонадон олиб кўчиб ўтган пайтида уникига яна аллақандай эркак жойлашган, яшаган, ошхонадаги жавонни тузатган, ҳатто ҳақиқий оилабоши сингари ҳожаатхона учун ул-бул нарса сотиб олганди ҳам, яна бир куни янги эгар олиб келгану гудраниб эскисини ҳам таъмирлаганди. Кейин эса, бироз вақт ўтгач, онасининг уйига кетиб қолганди.

Ушандан бошлаб ҳар оқшом юпка (ҳар ҳолда, шундай туюлади) девор ортида Шопен куйи тинмай жаранглар ва ҳар сафар худди эски патефон сингари бир жойида хатолик билан, тўхталиб хуноб қиларди. Хонадаги телевизор қаршисидеги деворга тиралган диван турар ва патефон ҳар кеч аёл ёнбошлаганда унинг қулоғи остида янгарди. Қўшни аёлнинг қулоқлари шу даражада очилиб кетгандики, у телевизорнинг шовқинида ҳам лаънати Менделсон ва Шопенни бемалол ажрата оларди.

Ниҳоят, ҳаммаси барҳам топди, икки кун мусика саси чиқмади ва энди бамайлихотир телевизор кўрса ҳам, қуйласа ҳам, уйнаса ҳам бўларди. Тўғри, узокдан қандайдир йиғининг овози келар, тепадаги қаватларда худди бола чийиллагандек бўларди, аста-секин бу овоз ҳам тинди.

“Қулоғим том битибди шекилли”, — деди кейинчалик қўшни аёл ишхонасида, яъни бу чийиллаш пианиночи кампирнинг чоли овози экани аниқ бўлгандан сўнг. Кампирнинг мурдаси қаердадир эмас, полда, нақ эрининг остида топилган ва маълум бўлишича, чол анчадан бери шол бўлиб қолган (“мен билмабман, уларни яқинда кўргандим шекилли, нахотки анча вақт ўтган бўлса?” — қўшни аёл ўз-ўзига савол бериб ҳикоясини давом эттирди), у фалаж, афтидан, аёли ҳар оқшом қўшнисининг қулоғи остида ўз репертуарини чалиб бераверган, кейин кампир нимадир бўлиб эрининг кровати ёнгинасига йиқилгану, кўп ўтмай жон таслим қилган. Чол, қўриниб турибдики, телефонга интилиб судралмоқчи бўлган ва охир-оқибат хотинининг устига ағанаб тушган, қандай бўлмасин, шу ҳолича барибир кўнироқ қилган, эшикни бўзиб қиришганда иккиси ҳам аллақачон оламдан ўтган эди.

“Қулоғим том битибди шекилли — ваҳима билан уйлади қўшни аёл янги қўшчиларни ким бўлиши ҳақида қайғуриб, Шопен ва Менделсонни муҳаббат учиними билан эслар экан, — мана бу ҳақиқий инсонлар эди, зиёли, сокин ва кунига атиги ўн беш дақиқа шовқин солишарди, холос. Уларнинг ўрнига энди ким келади? Улар бир кун фарқи билан оламдан кўз юмишди, худди эртақдагидек, узок умргузаронлик қилиб, ёруғ оламини тарк этишди”, тахминан ана шундай уйларди қўшни аёл. . .

Рус тилидан семинар иштирокчиси
Мақсаджон ОЛИМОВ таржимаси.
Фаргона

Бешафқат дунёда ҳақиқат истаб, ҳақталаб болалик томон талпинамиз, унинг бағрида унган митти орзуларга юзланамиз. Бу орзулар жон сақлаган, биз аллақачон босиб ўтганимиз, аммо дунёда кўзимизга тортилган пардалар ортидан хиралашган болалик водийсига адабиёт аталмиш руҳ кўприги орқали борамиз. Ҳамма ҳам бу водийни адабиётга муҳрлай олмайдим.

Шундай ижод аҳли вакиллари борки, улар мудраётган умрни бир дам музлатиб қўйиб, сени ўша хурлик

бермайди нон ҳам.
Арвоҳқапалаклар келиб туради,
Гўё тирилгандай бўлади отам.

Замон синовида омон қолиш учун буви сигирини сотади. Бир қараганда, арвоҳқапалак, отасини кўрмаган, кўрмай туриб соғинадиган митти қалбларнинг бағрида унган ишонч нишонасидир. Содда болалик капалакка-да умид боғлайди.

Жон буви, бизларга келтиргин шамшир,

Жон буви, шу бугун борма мозорга...

Ҳар сафар мозорга кетаётган бувисидан нима учун у ерга бормасликини, унга шамшир беришни талаб қилди экан? Балки кўз олдида қадди эгилган бувисини йўқотиб қўйишдан қўрқаётгандир. Шамшир эса ўша кунларнинг юрагига санчиш учун керакдир.

...яшаётир бир кампир – дардманд,
Бу дунёнинг тирик дардидай,

Деразанинг панжарасидан
Чироқ каби мўлтирар бувим

— сатрларида қўлланган гўзал ташбеҳ ортида, тун бағрида кезган, чироқ каби мўлтирар турган буви нигоҳида шоир англаган ҳақиқатлар яширин. Аниқроғи, бу дунёнинг шоир руҳига қафас ташлаган кечаси эди.

Сен девор тиклайсан
шоир укангга,
Яшириб қўясан
топганингни ҳам.
Бунча термиласан
шү тор қўрангга,
Одамлар дунёга
сигмайди, оға.

ёки:

Сен, ахир, қўрқардинг

ҚИШЛОҚ МАНЗАРАЛАРИ

остонасига яқинлаштиради. Мана шундай ижодкорлардан бири, шубҳасиз, Асқар Маҳкамдир.

...Тоғларни қўриқлаб ётар қишлоқлар...

Қишлоқ бағрида улайган шоир, шеърларида бувисини кўп хотирлайди:

Бувим ёлғиз қолди
сандал четиде,
Бизни деб томига ёзмайди қурут.
Итлар ҳурб ўтар девор ортидан,
Седанага тумор тикар боумид.

Бу мисралар барчамизнинг болалик хотираларимизни тирилтиради. Тасаввуримизда чўпчак айтиб, бизни катта ҳаётга тайёрлаган буви образи жонланади. Сандал четидеги ёлғиз, бор топгани, ўй-хаёли шу болалар билан банд буви қорақўз набираларини девор ортидаги итлардан асраб юриш учун тумор тикаётган буви! Бу итлар оддий эмас, ўша замоннинг қопағонлари эди. Хўш, шоир буви образига нима учун ургу беради? Шоирнинг болалигига назар ташласак, ёшлигида отаси оламдан ўтган, онаси эса бошқа оила қуриб кетади. Болалар тақдири сочлари оппоқ ёлғиз бувига боғлиқ бўлиб қолади. Унинг томга қурут ёймаслиги сабаби кейинги бандда ойдинлашади:

Энди сигирларни тушда кўради,
Тонглар подавонга

“Суюнчи” фильмидаги “профессор” образи ҳам уни элга танитади.

Абдураим Абдуваҳобов Тошкент театр ва рассомчилик олийгоҳининг Актёрлик бўлимида таҳсил олган. Унинг ўқишга қабул жараёнлари ва талабалик йилларини устоз санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти Турғун Азизов шундай эслайди: “Академик Мамажон Раҳмонов мени Театр институтида дарс беришга таклиф қилганларида биринчи қам

САНЪАТ УСТАСИНИ ХОТИРЛАБ...

бул қилган гуруҳим Абдураимжоннинг гуруҳи эди. Секин-аста болаларни имтиҳон асосида танлаб бошладик. Хонага Абдураимжон кириб келди. У Ғафур Ғуломнинг “Шум бола” асари асосида олинган фильмда бош қаҳрамон образини яратган эди. Шундай истеъдод бизнинг институтга келганидан хурсанд бўлиб, хуш кайфиятда кутиб олдим.

— Имтиҳонга нима тайёрлаб келдингиз, — десам, индамайди.

— Шеър борми?... Ашула-чи?

У жим.

Кейин, майли, қандайдир этюд бўлса ҳам кўрсатиб беринг, дедим. Яна ҳеч қандай жавоб йўқ. Барча саволларимга индамай тураверди.

“Шум болани уйнабсан, мана, институтга келибсан, бу яхши. Домлалар сени қўриши билан елкасига миндирволиб институтга олиб қиради, деб уйладингми? Тайёрланиб келгин”, — дедим-да, баҳо қўймадим. Шундан сўнг ректор Мамажон Раҳмоновга учрашиб:

— Домла, шум болани ижро этган йигит келди. Лекин имтиҳонга тайёргарлик кўрма-

ган экан. Аслида у жуда истеъдодли. Нима қиламиз, — деб сўрадим. Мамажон ака:

— Турғунжон, майли қабул қилаверинг. Кейинчалик ўқиш давомида ёки йил охирида яна бир синов қилиб кўрамиз, — деди.

Шундай қилиб, Абдураим Абдуваҳобов менинг талабамга айланди. Абдураимжон ярим йилга қолмасдан институт талабалари орасида кўзга қўриниб, анча танилиб қолди. Шунда амин бўлдимки, иқтидор эгаларини қўллаб-қувватлаш керак экан.

...Абдураимжоннинг гуруҳи билан “Бой ила хизматчи”ни ҳам саҳналаштирдик. Айтмоқчи бўлганим, мен шоғирдларимни ўзбек, рус, инглиз ва бошқа халқларнинг мумтоз асарлари билан тарбияладим”.

Дастлаб фильмлар орқали танилган Абдураим Абдуваҳобов театр саҳналарида ҳам ўзига хос ва бетакор образлар яратиб, мухлислар қалбидан чуқур юли олган. Институтни битиргач, Ўзбекистон давлат сатира театрида фаолият юрита бошлади. Кейинчалик Турғун Азизов тавсияси билан Ўзбек миллий академик драма театрида ўз ижодини давом эттир-



Мумтоз ва миллий ижрочилик санъатимизда азалдан “Устоз – шогирд” анъаналари мавжуд ва бу анъана бугунгача давом этиб келмоқда. Зеро, ота-боболаримиз азалдан фарзанд тарбиясига жиддий эътибор берганлар, фарзандини бирор касб эгаси бўлиши учун яхши устоз қўлига топширишга ҳаракат қилганлар.

Устозни танлаш учун шогирд ва унинг ота-онаси устоз ҳақида, унинг маҳорати ҳақида етарли маълумотларга эга бўлиши талаб қилинади. Фарғона давлат университети профессори, Ўзбекистон халқ артисти Султонали Маннопов “Навобахш оҳанглар” китобида шундай ёзади: “XX асрнинг бошларида Хўжанд шаҳридан машхур санъаткор Содирхон Ҳофиз Бобошарилов етишиб чиққан. Уша даврда Хўжандда Зоҳирхон ҳофиз, Сулаймон ҳофиз, Тўрахўжа ҳофиз, Салоҳхон ҳофиз, Каримжон ҳофиз, ота-бола Мир-солиҳ, Мирабдулла, Мирфайёз ҳофизлар яшар эди. Ёш Содирхон ана шундай санъат муҳитидан баҳраманд бўлиб ўсди”. Шу ўринда устоз санъаткор Содирхон ҳофизнинг шогирди Ўзбекистон халқ ҳофизи Жўрахон Султонов билан кечган бир ибратли воқеани мисол қилиб келтириш мумкин.

Машхур ҳофиз, Ўзбекистон халқ артисти Жўрахон Султонов ўн олти ёшида-ёқ Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедов, Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов, Домла Ҳалим Ибодов ва Содирхон ҳофиз Бобошариловнинг овозлари ёзилган пластинкаларни эшитиб, яхши кўриб юрган. Шулардан бирига шогирд тушишга аҳд қилиб, охири хўжандлик Содирхон ҳофиз Бобошариловни танлайди ва устоз санъаткорнинг уйини топиб боради. Жўрахон Султонов ҳофизга унга шогирдликка тушгани келганини айтади. Устоз уни қабул қилади ва яшайдиган хонасини, бажарадиган юмушларини тушунтиради. Шу зайдда Жўрахон Султонов устознинг уй юмушлари ва бошқа хўжалик ишлари билан шуғулланиб юради. Айни чоғда ижрочилик маҳоратини ошириш учун ашула ва чолғу чалиш машғулотларини бажариб боради. Орадан бир ярим йил ўтгандан сўнг Содирхон ҳофиз навбатдаги сафарга отланаётган вақтда Жўрахон Султонов устозга юзланиб: “Устоз, мен бир ярим йилдан бери уйингиздаман. Менга бирон нарсани ўргатмай-сизми?” деганларида, Содирхон ҳофиз: “Сизга бирон нарсани ўргатайми ёки Сизни дуо қилайми?” дейди. Жўрахон

Султонов: “Дуо қилинг, устоз”, дейди. Содирхон ҳофиз: “Илоҳим, доврўгингиз етти иқлимга маълум ва машхур ҳофиз бўлинг”, дея дуо қилади.

Бўлиб ўтган воқеадан маълумки, Жўрахон Султонов бир ярим йил устознинг уйидаги хизматни бажариб юриб, унинг машқларини жон қўлғи билан тинглаган. Устознинг ҳар бир ижросини ўрганиб, ёд олган. Ўз ўрнида ҳофизнинг уй юмушларини бажариши асосида устознинг ашулаларини ҳиргойи қилиб, айтиб юрганини эшитган. Устоз-шогирд бир-бирини зимдан эшитиб, ижросидан

зовор бўлган устозлар “Шашмақом”нинг нафақат ижрочилик йўлларини, балки унинг назарий-илмий жиҳатларини ҳам чуқур эгаллаган мақом билимдонлари бўлишган. Зеро, мақомлар бўйича назарий-илмий мукаммал билимга эга бўлмай туриб, “Устоз” деган табаррук номга мушарраф бўлиш мумкин эмас. Бунинг учун шогирдлар дастлаб “Шашмақом”-нинг тузилиши, бўлимлари, қисмлари, форсий ва араб тилларида айтиладиган мушкilot, наср, сарахбор, тасниф, таржеъ, гардун, миёнхат, авжи турк, авжи зебопари ва бошқа номлардаги атамала-

ашулалари ва ўтган асрда яратилган мумтоз ашулалар битта ҳофиз томонидан айтилмаган. Чунки мақомлар сарахборлари даромад, миёнхат, авж, катта авжлардан иборат бўлгани сабабли бу ашулалар жамоа бўлиб айтилган. Овозлари бир ярим-икки октавада ҳам сифатли янграйдиган ҳофизлар илгари ҳам, ҳозир ҳам камдан-кам учрайди. Шу боис кенг диапазонли мақом ашулаларини жамоа бўлиб айтиш урф бўлган. Шашмақомни устоздан ўрганган шогирд мақом ашулаларига ортиқча безак, қочирим, нолалар қўшмасдан, тўғри нафас

Эшчоновлар, умидли ёш хонандалар Фуқрат Ашуралиев ва Элмурод Аҳмедовни жўровозлик ижро услубининг муносиб давомчилари дейишимиз мумкин.

Фарғона водийсида Катта ашула ижро услуги ривожланган. Устоз санъаткорлар Маматбува Сатторов, Мадали Ҳофиз, Ҳамроқул қори Тўрақулов, Эрка қори Каримов, Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов бу ижро услубида ном чиқаришган. Мумтоз ашула ижрочилигининг катта ашула услуги ҳам азалдан “Устоз – шогирд” анъаналарига таянган шаклда давом этиб келмоқда. Катта

кларида тарғиб қилиш ҳамда уларнинг сувератларини мактаб ўқувчиларининг кундалик дафтарлари ва бошқа фанлардан ёзув дафтарлари муқоваларига жойлаштириш керак. Халқимизни, айниқса, ёшларни ўзбек миллий чолғу созлари билан яқиндан таништириш учун, биринчидан, ўзбек халқ миллий чолғу созларининг номларини аниқ билиб олиш; иккинчидан, ҳар бир чолғу созининг расми ва ҳажмини; учинчидан, ушбу чолғу сочи ўзбек миллий чолғу созларининг қайси гуруҳига мансублигини; тўртинчидан, ушбу чолғу созида ижрочилик борасида юртимизда ва дунё миқёсида ном тاراتган устоз созандаларнинг исмлари, ҳаёти ва ижоди бўйича маълумотларни билишлари лозим бўлади.

Бугунги куннинг долзарб муаммоси – умумтаълим мактабларидаги мусиқа маданияти фани ўқитувчилари. Бугунги кунда мусиқа маданияти ўқитувчилари бошланғич синф ўқувчиларига қандай таълим беришяпти?Агар умумтаълим мактабларида мусиқа маданияти фани дарслари олиб борилишининг бугунги кундаги ҳолатини бир таҳлил қилсак, жуда кўп муаммоларга дуч келамиз.

Аввало, умумтаълим мактабларининг 90 фоизида мусиқа маданияти фани учун алоҳида синф хонаси ажратилмаган, қолаверса, аксар мактабларда пианино ёки ўзбек халқ чолғу созлари, рубоб, дутор, доира ва бошқа чолғу созлари харид қилинмаган, ўқув режасига асосан 1 – 7 синф ўқувчиларига бир ҳафтада 1 соат мусиқа маданияти дарси белгилангани жуда кам, мактабларда бадий ҳаваскорлик (ашула, ракс, театр, хор, рубоб-доира) тўғараклари фаолияти йўлга қўйилмаган, муҳими, умумтаълим мактабларида мусиқа маданияти фанига, мусиқа ўқитувчисига раҳбарият томонидан жиддий эътибор, муносабат етишмайди. Ушбу камчиликларни бартараф этиш мураккаб иш эмас. Фақат эътибор, рағбат ва маблағ зарур. Сарфланган маблағ эса келгусида миллий маданиятимиз, хусусан, мусиқа санъатимиз ривожига хизмат қилишга шубҳа йўқ.

Абдурахим СУЛТОНОВ,
Гулистон давлат университети
мусиқий таълим кафедраси
катта ўқитувчиси



баҳраманд бўлган. Шу сабабдан Содирхон ҳофиз шогирдидан: “Сизга бирон нима ўргатайми ёки Сизни дуо қилайми?”, деб сураган.

Талаба ёшларга таълим беришда “Устоз – шогирд” анъаналари тизимидан фойдаланиш мумтоз ва миллий мусиқа санъатимиз гултожи бўлган мақомларимизни ва мумтоз ашулаларимизни ўрганишлари учун энг мақбул йўлдир. Эл орасида ном чиқарган, хурматга са-

ри ҳақида маълумотларга эга бўлишлари керак. Талабаларга бирон ашулани ўргатишдан аввал унинг мусиқасини ким яратгани, ашула матни қайси шоир қаламига мансублиги, биринчи ижрочиси ким экани ҳақида тўлиқ маълумот бериш керак. Шу билан бирга, талаба асл илк ижрочининг овози, ижросининг магнит тасмадаги ёзувини астойдил тинглаши зарур.

Азалдан кенг диапазонли мақом

ва тўғри йўлда ижро этади.

Мумтоз ижрочилик санъатимизда жўровозлик, ҳамнафаслик каби ижро услублари мавжуд. Ашула ижрочилиги қадим замонлардан буён шу услубда давом этиб келмоқда. Жўровоз бўлиб ашула айтиш (кўпроқ икки хонанда, ундан ортиқ ҳам бўлиши мумкин) бир ашулани бир нафасда, бир хил услубда, бир хил йўлда ижро қилиш дегани. Бунда жўровозларнинг овоз тембри бир бирини тўлдириши, овози овозига мос келиши (тушиши), албатта, шарт. Устоз – шогирд анъаналарининг давомийлиги ижро услубида яққол намоён бўлади. Ўзбекистон халқ ҳофизлари Жўрахон Султонов ва Маъмуржон Узоқовнинг жўровоз бўлиб айтган ашулалари бугунги кунгача мухлислар қалбини хушнуд этиб келмоқда. Уларнинг жўровоз бўлиб айтган ашулалари мумтоз ашула ижрочилиги санъати тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилган.

Ака-ука Шоқосим, Шоолим ва Шоакбар Шожалиловлар, ака-ука Бобохон ва Акмалхон Сўфихоновлар, устоз санъаткорлар Орифхон Ҳотамов ва Ҳакимжон Файзиев, Камолитдин Раҳимов ва Турдали Сайдалиев, ака-ука Исмоилжон ва Исроилжон Ваҳобовларнинг ижрочилик мактаблари ёшларимизга ибратдир. Водийда жўровоз ижро услубини “ҳамнафаслик” деб ҳам аташади. Фарғоналик ака-ука Яхёжон ва Муҳсинжон Мўминовлар, хоразмлик ака-ука Ғофур ва Фулом

ашулада ҳофизларнинг сонига қараб сўзлар бўлиниб ижро этилади. Ижрочи икки киши бўлса, биринчи ҳофиз ашуланинг бошланишини ижро қилади. У тўхтагач, иккинчи ҳофиз давом эттиради. Ашуланинг ўрта авжи (миёнхат) яна биринчи ҳофиз чекига тушади. Туширишини бирга айтишади. Сўнгра юқори пардалардаги авж қисми бўлиниб ижро этилади. Туширишда биргаликда ижро амалга оширилади. Агар ҳофизлар уч ёки тўрт кишидан иборат бўлса ака уна шу ижро қондаларига амал қилинади.

Бугунги кунда мумтоз мусиқа санъатимизни, анъанавий хонандалик ижрочилигимизни халқимизнинг жуда кам фоизи тушунади. Ҳатто мусиқа санъати билан шуғулланиб юрган ва шу соҳада ўқиган хонанда ва созандалар ҳам ўтган асрда яшаб ижод қилган, бетакорор ижролари билан ўзбек миллий мусиқа санъатида ном қозongan устоз санъаткорларимиз ҳақида маълумотга эга эмас. Мактаб ўқувчилари миллий чолғу созларимиз чанг, уд, гижжак, доира, най, танбур, рубоб, қонун ва бошқа чолғу созлари ва уларнинг машхур ижрочилари ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга эмас. Ёшлар бу миллий чолғу созларимиздан кўра гитара, орган, кларнет, аккордеон чолғу созларини яхши билади.

Демак, бугун устоз ҳофизларни ва миллий чолғу созларимизни телевидение ва радио орқали реклама роли-

Сўнгги йилларда мақом амалиётчилари орасида ҳамда чоп этилаётган айрим мақолаларда “Фарғона – Тошкент мақом йўллари”га нисбатан “Чормақом” ибораси истифода қилинаётгани кузатишмоқда. Бу атама хусусида ўтмишга оид музикаий рисола ёхуд тарихий, адабий ва бошқа ёзма манбаларда маълумот учрамайди. Аслида, мазкур атаманинг келиб чиқиш тарихи яқин ўтмишимизга бориб боғланади. Аниқроғи, 1936 йили таникли композитор ва мусиқа этнографи Виктор Успенскийнинг тошкентлик ҳофиз Шораҳим Шоумаров ижросидаги мумтоз ашула йўлларини нота ёзувига олиши жараёни билан боғлиқ. Бу жараёнинг бевосита гувоҳи бўлган атоқли мусиқашунос олим Илёс Акбаров шундай ёзади: “...кутилмаганда Виктор Александрович ҳофизга юзланиб: “Бухоро ва Хоразмда мақомлар бор-у, лекин Тошкентда йўқлигини қандай тушунтириш мумкин?” “Бизда ҳам бор, – деб жавоб қилди Шоумаров, – бу – “Чормақом. У тўрт мақомдан иборат. Фарғонада тўртта мақом циклининг мавжудлиги ҳақидаги фикр шу ердан келиб чиққан” (В.А.Успенский. Научное наследие. Воспоминания современников, Т., 1980, 17-бет.). Бу ўринда эл севган ҳофиз Тошкент ва Фарғона водийсида машхур бўлган «Чоргоҳ», «Баёт», «Гулёр-Шаҳноз» ва «Дугоҳ-Ҳусайн» мақом ашула туркумлари орасида маълум ўхшашлик борлиги нуқтаи назаридан ушбу мумтоз намуналарни “Чормақом” иборасида ифодаламоқчи бўлган кўринади.

Мувоҳаса ўрнида эътиборимизни “Чормақом” масаласида мавжуд илмий мулоҳазаларга қаратамиз. Инчунин, мазкур атама илмий асосдан йироқлиги хусусида йирик мақомшунос олим Исҳоқ Ражабов ўзининг 1963 йили нашр этилган “Мақомлар масаласига доир” номли монографиясида етарлича раддия берган эди: “Баъзи ҳофиз ва музикачилар Тошкент, Фарғонада машхур бўлган бу мақом йўлларини “Чормақом”, деб атаб келганлар. Лекин ўзининг ном хусусиятларига эга бўлган бу мақом йўлларида қўлгина чалкашликлар бор... Тошкент, Фарғонада машхур бўлган ва Бузрук мақомининг Насруллоҳий шўбаси асосида яратилган Насруллоҳий ёки Ажам, Мискин каби қўплаб мақомларнинг вариантларини Тошкент, Фарғона “мақомлари” составига қўиши мумкин. Шунинг учун ҳам “Чормақом” иборасини қўллашга қўишлиш қийин. Бу мақом вариантлари доирасини келашга олиб келади, холос.” (Ражабов И. Мақомлар масаласига доир. Т., Ўзадабийнашр, 1963, 265 – 266-бетлар).

Камина 1980-йиллари Тошкент ва Фарғона водийси ҳудудлари бўйлаб ўтказилган илмий

сафарлар давомида устоз Исҳоқ Ражабовнинг фикри айни ҳақиқат эканига, бинобарин, моҳиятни “Чормақом” эмас, балки “Фарғона-Тошкент мақом йўллари” ибораси тўғрироқ ифодалашига ишонч ҳосил қилган эдим. Зотан, бу умумлашма ибора мазмунида Тошкент ва Фарғона водийси шаҳарлари (Қўқон, Наманган, Андижон, Фарғона, Марғилон, Кува ва бошқа) мусиқа маданиятида “тарқоқ” ҳолда мавжуд мақомлар англашिलाди. Бу турдаги мақомлар эса Шашмақом ва Хоразм мақомларидан фарқли ўларок, алоҳида-алоҳида чолғу куй (масалан Насрулло I–V, Муножот I–V, Наврўзи Ажам ва бошқа) ва ашула йўллари (Чоргоҳ, Баёт, Гулёр-Шаҳноз ва бошқа) тарзида намоён бўлади. Мазкур мақомларнинг бизгача бундай тарқоқ ҳолда етиб келишига бир қатор сабаблар борки, буни англаш учун тарихга бир назар ташлаймиз.

Фарғона – Тошкент мақом йўлларининг ўқ илди-лазлари қадимий давр халқ ижодиёти ва шу заминда шаклланган касбий мусиқа анъаналарига, жумладан, Ўрта асрларда машхур бўлган Ўн икки мақом илмий-амалий тизими ва ундан ҳам олдинроқ мавжуд туркумли асарларга бориб тақалади. “Йўллари” атамаси ҳам шунга ишора этади. Зеро, “мақом” атамасидан аввалроқ мусиқа илми ва амалиётда “йўл” маъносини англатувчи “тариқа”, “тароик”, “роҳ”, “равашин” каби арабча, форсча махсус тушунчалар кенг қўлланиб келинган. Адвор илими асосидаги Ўн икки мақом эса уша давр мусиқачилари – бастакорлари, хонанда ва созандалари учун мумтоз мусиқанинг асосий мезони ва юксак тимсоли бўлган. Бу мураккаб мақом илми ва санъати бўйича Тошкент ва Фарғона водийсида Хожа Юсуф Андижоний, Хожа Бобо Иноқ, Мавлоно Шоҳусайн Тошкандий, Мирза Араб Кўнғиротий, Хожа Ҳамза Тошкандий каби устозлар донг таратган эдилар. Мутахассисларга яхши маълумки, Ўн икки мақом XVIII–XIX асрлар давомида Бухоро Шашмақомни, Хоразм мақомлари каби яхлит ва салобатли туркумлар қарор топишида муҳим манба бўлган. Аммо мазкур тизим (Ўн икки мақом) Фарғона водийси ва Тошкент касбий мусиқачилари орасида ҳам амалий қўлланган бўлса-да, кейинги таджики ўлароқ яхлит туркумни ҳосил этмаган, балки алоҳида, “тарқоқ” кўринишли чолғу ва ашула йўлларидан иборат бўлиб қолган.

Бунинг сабабини изоҳлашга уриниб кўрамиз. Маълумки, мақомларнинг мусиқа олимлари ва ижодкорлари томонидан яхлит туркум сифатида шакллантирилишида маърифатпарвар ҳукмдорларнинг саройида яратилган зарур шарт-шароит-

лар муҳим аҳамият касб этган. Айнан шундай имкониятлар мавжуд Бухоро ва Хива хонларининг сарой маданий муҳитида салобатли Шашмақом ва Хоразм мақомлари қарор топгангани ҳолда, тавсиф этилаётган мақомларнинг “тақдири” маълум қадар мураккаб кечган эди.

Фараз қилишимизча, Фарғона – Тошкент мақом йўлларининг асл маскани ва маркази те-мурийзода Умаршайх Мирзо (1456 – 1494) ҳукм-

чалик улар турли маданий марказларда касбий фаолиятларини давом эттирарканлар, мақом намуналарини маҳаллий аҳолининг оммавий йиғин, байрам ва маросимларида ижро эта бошлаганлар. Шу тариқа сарой маданиятидаги барқарор удумларидан “узилган” бу мумтоз мақомларлар вазият тақозоси билан кичик туркум (икки-уч қисмли) ёки алоҳида бир қисмли кўринишларда намоён бўла бошлаган. Шунингдек, чолғу ижро-

«ЧОРМАҚОМ» НИМА?



дорлик қилган Аҳси давлатининг сарой маданияти бўлган. Буни, жумладан, Умаршайх Мирзонинг тўнғич зурриёди Заҳиритдин Мухаммад Бобур ҳаёти ва серқирра фаолиятидан ҳам англаб олиш мумкул эмас. Чунончи, мақом илмий-ижодий анъаналаридан яхши хабардор Темирий шаҳзода бу мумтоз мусиқа йўлида ўзи ҳам ижод қилиб, адвор (мақом) илмида махсус рисола битгани ёзма манбаларда қайд этилади. Қолаверса, унинг сарой маданиятини безаганлар ҳам мақом устозлари бўлган. Бироқ 16 аср мобайнида кечган мураккаб сиёсий-ижтимоий жараёнлар ўлароқ юзага келган беқарорликлар, Аҳси ҳукмдорларининг кўинсизлиги, кейинчалик эса (1620 йил) бу заминда рўй берган талофатли зилзила оқибатида сарой мусиқачилари водий шаҳарлари ва Тошкент ҳудудларига тарқалиб кетганлар. Кейин-

чилигининг “очиқ” майдонлардаги дорбозлар уйини, тўй маросимлари ва томошаларга мўлжалланган янги шакли ўлароқ махсус “сурнай йўллари” (Сурнай Ироқи, Сурнай Дугоҳи, Сурнай Ушшоғи ва бошқа) ҳам юзага келган эди.

Айни вақтда, халқ маданий ҳаёти билан узвий боғлиқликда бу мақомларнинг халқчиллик сифатлари ҳам тобора ортган. Тўғри, Аҳси саройи маданиятига оид мақом анъаналари ҳам буткул исизси йўқ бўлиб кетмаган, балки бироз узилишлардан сўнг дастлаб Бобур Мирзо Ҳиндистон заминидан асос солган Буюк давлат (Буюк Бобурийлар сулоласи, 1526 – 1858) маданиятида, орадан қариб бир ярим аср ўтгач эса Мовароуннаҳрда юзага келган яна бир мустақил давлат – Қўқон хонлиги (1709 – 1876) саройида ижодий давом эттирилган эди. Айнан шу сарой масканлари-

да мақомларнинг нисбатан йирик ҳажмли (5-7 қисмли) туркумлари юзага кела бошлаган бўлса ҳам ажаб эмас. Бироқ маълум сиёсий-ижтимоий воқеалар боис дастлаб Бобурийлар сулоласи (1858), кейинроқ эса (1876) Қўқон хонлигининг ҳам тарих саҳнасидаги фаолияти интиҳо топди.

Шу аснода ўзининг сарой ўзанидан маҳрум бўлган ҳамда Фарғона ва Тошкент маданий ҳудудлари бўйлаб кенг ёйилиб кетган мақом намуналари бизгача тарқоқ кўринишдаги алоҳида чолғу ва алоҳида ашула йўллари тарзида “устоз-шогирд” анъаналари воситасида етиб келди. Жумладан, чолғу йўллари қаторида Насрулло I–V, Муножот I–V, Мушкilotи Дугоҳ, Машқи Чоргоҳ, Ажам ва тароналари, Фарғонача Рост I-IV, Мискин I–V, Сегоҳ I–III, Насри Сегоҳ, Сайқал I–II, Мирзадавлат I–II, Чўли Ироқ, Чоргоҳ, Сурнай Ироқи, Сурнай Дугоҳи, Сурнай Ушшоғи, Рок I-IV, Дугоҳ-Ҳусайн I-III, Бек Султон I-III кабилар машхур. Ашула йўллари эса алоҳида бир қисмли (Сегоҳ, Тошкент Ироғи каби) намуналардан тортиб, кенг қўламли туркумлардан ташкил топган. Айниқса, беш қисмли Чоргоҳ, Баёт, Баёти Шерозий, Гулёр-Шаҳноз ва етти қисмли Дугоҳ-Ҳусайн ашула йўллари оммалашган. Шулардан ҳам аён бўладики, “Чормақом” ибораси бу турдаги мақомларни тўлиқ қамраб ололмайди, балки уларнинг ашула йўлидаги бор-йўғи тўрт намунасининг сунъий равишдаги туркум бирлашмасини англатади, холос. Бу борада биз устоз Исҳоқ Ражабовнинг фикри тўғри эканига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз.

Шу ўринда мусиқа амалиётчилари орасида кенг тарқалган филолог олим, профессор Охунжон Сафаровдан иқтибос келтиришни жоиз билдик: “Фарғонада ҳофиз ва созандалар орасида мазмунан юқоридагига ўхшаган «Мақомларнинг танаси – Хоразмда, шохлари – Бухорода, меваси – Фарғонада» деган фикр кенг тарқалган. Мақомларнинг қачон, қарерда пайдо бўлганлигини, туркум сифатида таркиблинишни бу тахлитда ёки бу ижрочиларнинг оғзаки лутфларига қараб эмас, балки илмий асосда, чуқур ва мантиқли тадқиқотлар замирида ҳал қилиш ҳар қанча сохта даъво ва тарафкашликларнинг олдини олган бўлурмиди? Ҳар қалай илмда аллақачон исботланган ҳақиқатни тан ола билмоқ ҳам тадқиқотчининг нанкин тантилиги, балки холислиги ва адолатлиги нишонаси эканлигини ҳам унутмаслик даркор”.

Оқилхон ИБРОҲИМОВ



ДАРАХТ ОРЗУСИ

Беланчак, бешик бўлай,
Ром бўлай, эшик бўлай.
Ёмонларнинг йўлига
Кўндаланг — тўсиқ бўлай.

Баргим бевақт сўлмасин,
Мевамни қурт сўрмасин,
Ўз шохим бир болтанинг
Дасти бўлиб келмасин.

Кун келиб, ўтин бўлай,
Майли, чўғ-гутун бўлай,
Ошингизни пишириб,
Сўнгра кул-кукун бўлай!

НУҚТА

Гарчи кичик нуқтаман,
Лекин зўр ҳуқуқдаман.
Қисқароқ баҳс қил, дейман,
Эзилма, бас қил, дейман.
Гап тугайди шу жойда,
Ахир, кўп гап — бефойда!

Тошкент шахри

ЁШ РАССОМ

Шўхрат расм чизишни
Жуда яхши кўради.

Барнохон РАЖАБОВА

Аммо бир кун дадаси
Ажабланиб сўради:
— Ўғлим, сурат чизишинг
Дуруст, бироқ бунда сен
Чизишни унутибсан,
Тошбақанинг косасин!
— Эҳ, дадажон косаси,
Сал оғирлик қилади.
Тошбақалар энди тез
Юрадиган бўлади.

ОШНАЛАР

— Қўлим тегиб кетди-да,
Кел, қўй йиғлама, Носир.
— Атай урдинг, ойимга
Айтиб бераман ҳозир.
— Кел, урақол мени ҳам,
Фақат туширма бетга.
Шапалоқдан Али ҳам
Учиб кетди бир четга.
Энди Носир овутар:
— Тўхта, чақिशга шошма.
Аста урмоқчи эдим,
Билмай қолдим-да, ошна!

Фарангиз ОЧИЛДИЕВА

Хоразм вилояти

ОЛМА

Қизил, сариқ рангим бор,
Яшил турим унумдор.
Ўзим бойман темирга,
Юзчаларим семирган.

Хатто фойда данагим,
Есанг, бордир кўмагим.
Мени тотмоқдан қолма,
Чунки мен — ширин олма.

КАРАМ

Яшилман қават-қават,
Баргларим мисли сават.
Шаклим эрур думалоқ,
Тарвуз эмасман бироқ.

Кўкатлар менга чин дўст,
Тўлдиришар каму кўст.
Кўп очилмаган қиррам,
Ўша сабзавот — карам.

ДАФТАР

Мавжуддир менда тўрт уч,
Катакларга келиб дуч.
Тўлдирасан хат билан,
Номаълум номалардан.

Қадрдон дўстим сиёҳ,
Сенга ҳам бўлай ҳамроҳ.
Лек солма менга хатар,
Чунки мен оппоқ дафтар.

Шаҳзода ФАЙЗУЛЛАЕВА

Навоий

ҚОР

Кумуш қиш. Ҳар ёнда оқ,
Капалаклар учмоқда.
Учиб келиб менинг ҳам
Киприкларим кучмоқда.

Ерга кўнар қай бири,
Яна бири сочимга.
Ана, кўнди, укажон,
Энди сенинг бошингга.

Қўлда тутмоқлик учун
Югурамиз ҳар томон.
Қор ёққани яхши-ю,
Эриб кетгани ёмон.

ҚУШЛАР

Чугур-чугур қушларжон,
Қушларжон, сизлар гапдон.

Осмонни кўзлайсизлар,
Неларни сўзлайсизлар?

Маржон каби тизилиб
Учасизлар самода.
Булутларга урилиб
Кетмайсизми мабодо?

ИССИҚ НОН

Онам ёлган иссиқ нон
Дунёда энг тансиқ нон.
Бувимларга ёққайдир,
Ҳаммамизни боққайдир.

Тандирдаги қулчамни
Тезроқ узинг, онажон.
Онам дейди: “Шошмагин,
Бироз кутгин, болажон”.

Қулчамиз пишишини
Қутар укам ҳам интиқ.
Ана узди, қулчалар,
Воҳ, воҳ, бунча ҳам иссиқ!

Бизга берар жиззали,
Жиззали, кўп мазали.
Ҳовлидаги хушбўйи
Мафтун қилар ҳаммани.

Ойбарчин ҚҶШОҚОВА

Андижон

ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ ФАОЛИЯТИДАН

РАНГЛАР ЖИЛОСИ

Халқаро Маданият карвонсаройида очилган кўргазма Ватанимиз мустақиллигининг ўттиз бир йиллиги ҳамда 2022 йил “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”га бағишланди. Экспозицияда “Ранглар жилосида — она диёр” мавзусидаги кўрик-танловнинг республика босқичи иштирокчилари ижодла-

ра”, Марзия Раҳимованинг “Баҳор” каби ишларда ҳам она юртга меҳр-муҳаббат кенг ифодаланган. Бугунги давр талабларига мос равишда ҳар томонлама баркамол, мустақил фикрлайдиган, ташаббускор, шижоатли ёшларни тарбиялаш, уларнинг ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш йўлида амалга оширилаётган изчил ислохотлар самарасини “Ранглар жилосида — она диёр” ёш ижодкорлар расмлари танловида ҳам кўриш мумкин.

Танлов иштирокчиларининг ижодий ишлари нуфузли Ҳакамлар хайъати томонидан баҳоланиб, жами ўн бир нафар ёш ижодкор танлов ғолиби, деб топилди. Шундан тўққиз нафар ёш ижодкор танловнинг совринли ўринларига, икки нафар ёш ижодкор рағбатлантирувчи мукофотга сазовор бўлишди.

Бугун соат 11:00 да



ридан намуналар намойиш этилмоқда.

Маълумки, танловнинг республика босқичида тасвирий санъатнинг рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик йўналишида ижод қилаётган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шахридан етти ёшдан ўттиз ёшгача бўлган бир юз йигирма нафардан зиёд ёш ижодкор иштирок этди.

Ёш rassomлар асарларида, асосан, она диёримизнинг бетакрор табияти ҳамда хушманзара масканлари тасвирланган. Ижодий ишларнинг ҳар бирида ёш ижодкорларнинг дунёқараши ва туйғулари акс этган борлиқ, ҳиссиёт ва ёшариш дунёси яширинган. Жумладан, Мадина Мақсудованинг “Сумалак сайли”, Севара Пулатованинг “Манза-



Бадий академиянинг Анжуманлари залида танлов ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилади.

Сарвара ҚОСИМОВА

АДАБИЙ-БАДИИЙ НАШРЛАР

«ЖАҲОН АДАБИЙОТИ»

Журналнинг 2022 йил май, июнь сонлари

Шарқ адабиёти дурдоналари сирасидан улуғ шоир Абдулқосим Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асари неча асрларки назм ихлосмандлари, маърифат ва нафосат шайдоларини ўзига мафтун этиб келади. Достонда қаламга олинган ғоялар барча замонлар учун долзарблиги билан, бадий мукаммаллиги билан ҳақиқат адабиёт мухлислари эътиборида. Журналнинг май ойи сонидан “Шоҳнома”нинг насрий таржимаси босила бошланди. Асарни форс тилида Иноятжон Жўраева таржима қилган.

“Шеърят минтақалари” рукнида Нобель мукофоти совриндори Пабло Неруданинг “Мачу-Пикчу чўққилари” номли поэмаси эълон қилинган. Бу асар ғаройиб қадимий шаҳар Мачу-Пикчу тарихи ҳақида. Поэмани рус тилидан Рустам Мусурмон ўзбекчалаштирган. Шунингдек, ушбу рукнда таниқли шоир Болат Окуджаева шеърятидан намуналарни Муҳиддин Омон таржимасида ўқийсиз.


Адабиётшунос Сувон Мелининг “Икки тоифа ишқ: “Ромео ва

Жульетта”, “Лайли ва Мажнун” мақоласида муҳаббат мавзусининг турлича талқинлари ҳақида фикр юритилган. Абдулла Улуғовнинг мақоласи “Маснавийи маънавий” сабоқлари мавзусида.

Асарлари жаҳоннинг кўплаб тилларига таржима қилинган америкалик адиб Николас Спаркиснинг “Муҳаббат мўъжизаси” романида жамият ҳаётининг маънавий ва ижтимоий муаммолари маҳорат билан очиб берилган. Асарни рус тилидан Лола Шоимова таржима қилган. Аргентиналик машҳур адиб Хорхе Луис Борхеснинг “Хотира мўъжизаси” ҳикоясини Нодира Афоқова таржимасида ўқийсиз.

Озарбайжон адабиётининг атоқли намоянаси Бахтиёр Ваҳобзоданинг “Фарёд” номли етти кўринишли шеърый драмаси Имомиддин Насимий ҳаётига бағишланган. Асарда адолат ва қабохат, нур ва зулмат, ҳақ ва ҳақсизлик ўртасидаги азалий баҳсу курашлар юксак пардаларда тасвирланган. Драмани озарбайжон тилидан Жамол Камол таржима қилган. Ҳумоюн таржимасида эълон қилинаётган адабиётшунос Виктор Шкловскийнинг “Лев Толстой” номли биографик романидан парчалар улуғ рус адаби ҳаёти, асарларининг яратилиш тарихи ҳақида қизиқарли маълумотларга бой.

Насимхон Раҳмонов “Мен Мажнунман, Туркистон эса Лайлидир” мақоласида рус шарқшуноси, ўзбек мумтоз адабиёти тадқиқотчиси, атоқли олим А.Н.Самойлович ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилади.



Ўzbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru



Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Ҳамкоримиз:
akfa

Бош
муҳаррир

Салим
АШУР

Тахририятга келган кўлғемалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин.

Масъул котиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир: Ҳумоюн АКБАРОВ
Саҳифаловчи: Нигора ТОШЕВА

Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлигида томонидан 0283 ракам билан рўйхатга олинган.
Адади - 929. Буюртма Г - 844.
Ҳажми - 3 босма табоқ, А - 2.
Нашр кўрсаткичи - 222.
Ташилотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6

«Шарқ»
нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонаси.

Босмахона манзили:
Буюк Турон кўчаси,
41-уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00.
Босишга топширилди - 21.35.

ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ

Сотувда нархи эркин.



ISSN 2303-614X

